

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ**

БОЖХОНА ИНСТИТУТИ

**Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтида
мустақил таълимни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича**

УСЛУБИЙ ТАВСИЯНОМА

Тошкент – 2019 йил

Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтида мустақил таълимни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий тавсиянома. – Т., ДБҚ Божхона институти, 2019. – 74 б.

Тузувчилар:

- | | | |
|-----------------|---|--|
| Г.А.Асилова | – | ДБҚ Божхона институти Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори |
| Т.Д.Дилшодбеков | – | ДБҚ Божхона институти Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси |

Тақризчилар:

- | | | |
|-----------------|---|--|
| О.А.Қўйсинов | – | Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети проректори, педагогика фанлари доктори |
| Қ.М. Каримқулов | – | ДБҚ Божхона институти Божхона экспертизаси ва товарларни таснифлаш кафедраси бошлиғи, техника фанлари доктори, профессор |

Услубий тавсияномада мустақил таълимнинг олий таълимдаги ўрни, курсант ва тингловчиларнинг мустақил таълим жараёнини ташкил қилиш ҳамда самарали амалга ошириш имкониятлари кўрсатилган. ДБҚ Божхона институти профессор-ўқитувчилари учун ишлаб чиқилган.

ДБҚ Божхона институти Кенгашининг 2019 йил ____ даги ____-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

© ДБҚ Божхона институти, 2019 йил.

КИРИШ

Замонавий таълим жараёнида мустақил иш таълимни ташкил этишнинг шакли бўлиб, зарур ахборотни мустақил излаш, аудитория машғулотларида ўқув материални ижодий талқин қилиш ва англаш, дарсда ва аудиториядан ташқари вақтда талабаларда билиш фаолиятининг турли шакллари ҳамда таҳлил қилиш лаёқатини, шунингдек ўқув вақтини назорат қилиш ва режалаштириш, ўқув меҳнатини рационал ташкил қилиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришни таъминлайди.

Олий таълимнинг муҳим ва зарур жиҳатларини ўзида мужассам қилган мустақил таълим жараёнини тўғри ташкил қилиш курсант ва тингловчиларнинг вақтини тўғри тақсимлаш, уларнинг мустақил билим олишлари ва ўз устида мунтазам ишлашлари самарадорлигини ошириш, таълим йўналиши ва мутахассислик бўйича касбий компетенцияларни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради. Шу муносабат билан замонавий таълим амалиётида талабаларнинг мустақиллиги ҳамда ижодий қобилиятларини рағбатлантирувчи иш шакллари ва методлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Курсант ва тингловчиларга ахборот-коммуникация воситалари ва интернетдан фойдаланиш учун шароитлар яратиб берилаётган вақтда мустақил таълимни педагогик жиҳатдан таъминлаш жуда муҳим. Бу эса ушбу таъминотнинг қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги муаммо долзарб эканлигини кўрсатади.

Мазкур услубий тавсиялар ДБҚ Божхона институти профессор-ўқитувчиларига мўлжалланган бўлиб, курсант ва тингловчиларнинг мустақил таълимини педагогик ва методик жиҳатдан таъминлаш масалаларига қаратилган.

Мустақил таълим тушунчаси.

Мустақил таълимнинг мақсади ва вазифалари.

Дунё бўйича олий таълим йўналишларида талабаларнинг мустақил таълимига ажратиладиган вақт улушининг тобора ўсиб бориши кузатилмоқда. Шу муносабат билан, таълимда компетент ёндашувга ўтишда мустақил таълим кўникма ва малакалари тизимини шакллантириш, таълим олувчиларда мустақил фаолият маданиятини тарбиялаш зарурати юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да кўйилган вазифалар мамлакатимизда тайёрланаётган олий маълумотли мутахассисларнинг сифатини оширишга қаратилган. Бунинг учун, жумладан, “мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш” кўзда тутилган¹.

Замонавий таълимнинг янги босқичига ўтиш ўқитувчи ва талабаларнинг ўқув жараёнидаги ўрнини қайта кўриб чиқишни тақозо қилди. Чунончи, бугунги кунда таълим субъектлари ўртасидаги муносабатларда ўқитувчи – маълумот манбаи, талаба эса – тайёр маълумотни қабул қилиб олувчи деб талқин қилинмайди. Аксинча, талаба

¹ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси / ҚХММБ, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

ўқув жараёнининг фаол иштирокчисига айланди. Мустақил таълим эса талабага ҳаттоки ўқув жараёнининг бошқарувчиси бўлиш имкониятини беради, чунки ушбу ёндашув негизида талабанинг шахси, унинг камоли ва умумий компетенцияларга эришиши асосий мақсад қилиб олинган.

Мустақил таълимга олимлар ва тадқиқотчилар томонидан берилган кўплаб таърифлардан келиб чиққан ҳолда, биз мазкур жараёнга қуйидаги таърифни беришни лозим деб топдик.

Мустақил таълим – курсант ва тингловчилар учун билимларни излаш, уларни идрок қилиш, мустаҳкамлаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш, улар билан боғлиқ кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсадларида ташкил қилинадиган ҳар қандай фаолият тури.

Мустақил тайёргарлик – курсант ва тингловчилар томонидан келгуси ўқув машғулотларининг тегишли шаклига тайёргарлик кўриш ва мустақил ишларни бажариш жараёни.

Мустақил иш – курсант ва тингловчиларни мустақил билиш жараёнига жалб қилиш мақсадида ўқитувчи раҳбарлигида (шунингдек, унинг иштирокисиз ҳам) бажариладиган вазифаларни қамраб олувчи ўқув фаолиятининг бир тури.

Мустақил таълим қуйидаги мақсадларда ташкил этилади:

янги билимларни излаш, жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш кўникмаларини ривожлантириш;

аудитория машғулотларида олинган ахборот билан ишлаш, эгалланган билимларни мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тартибга солиш малакаларини шакллантириш;

норматив-ҳуқуқий база, маълумотлар ва махсус адабиётлар билан ишлашга ўргатиш;

берилган мавзу бўйича мустақил мушоҳада юритиш кўникмаларини ривожлантириш;

эгалланган билимларни амалиётда қўллаш лаёқатини ривожлантириш;

илмий фаоллик, ижодий ёндашув ва ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш;

масъулиятлилик ва интизомлиликка эришиш;

тадқиқотчилик қобилиятини ривожлантириш.

Мустақил таълимнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

курсант ва тингловчиларда мустақил равишда маълумотлар излаш орқали таълим жараёнига ижодий ёндашиш хусусиятларини ривожлантириш;

курсант ва тингловчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш;

курсант ва тингловчилар томонидан курс иши, курс лойиҳаси, битирув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида қўйилган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, мустақил асосланган шахсий фикр ва хулосаларни чиқариш каби жиҳатларни ривожлантириш.

Тўғри ташкил қилинган мустақил таълим қуйидаги натижаларга эришишга асос бўлади:

– билимлар ўзлаштирилади, бўлажак мутахассиснинг касбий кўникма, малака ва компетенциялари шаклланади;

– назарий материалга оид билимлар амалий йўл билан мустаҳкамланади; мустақил ўрганишга эҳтиёж тарбияланади;

– шахснинг билишга оид ва ижодий қобилиятлари максимал ривожланади;

– илмий тадқиқот фаолиятига қизиқиш ортади;

– таълим жараёнининг сифати ва интенсивлиги ортади;

– танланган касбга ва унинг хусусиятларини билишга қизиқиш шаклланади;

– таълимга дифференциал ёндашув амалга оширилади;

– олинган билимлар ва амалий кўникмалар вазиятни таҳлил қилиш ҳамда тўғри қарор қабул қилиш, шахсий позиция, назария ва моделни шакллантиришда қўлланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларга эришиш ҳамда мустақил таълимнинг самарадорлигига эришиш учун қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш тавсия этилади:

1. Ўқув фани доирасида бажариладиган мустақил ишларнинг ишчи ўқув дастуридаги мавзулар билан узвийлигини таъминлаш.

2. Мустақил ишларнинг мавзуларини курсант ва тингловчиларга ўқув семестри бошида, фан бўйича ўтказиладиган илк машғулотда эълон қилиш.

3. Мустақил ишларни тайёрлаш учун зарур манбаларни (дарсликлар, қўлланмалар ва маълумотлар базаси) курсант ва тингловчиларга тақдим қилиш.

4. Курсант ва тингловчиларни ҳар бир мустақил ишни баҳолаш мезонлари билан таништириш, бунда ишнинг эстетик, ташкилий ва мазмунга оид жиҳатларини таъкидлаш.

5. Мустақил ишларнинг ўз вақтида бажарилганлигини ижобий баҳолаган каби, бажарилмаганлигини ҳам “салбий” баҳолаш (бу ҳақда курсант ва тингловчиларни фан бўйича 1-машғулотда огоҳлантириш).

6. Фан бўйича мустақил ишлар учун ҳар бир курсантнинг алоҳида дафтари бўлишига эришиш, ўқитувчи томонидан унга мустақил ишлар бажарилишининг қайд этиб борилиши.

7. Ҳар бир мавзу бўйича мустақил иш турини уни бажарувчи курсант ёки тингловчининг фамилияси билан бирга кўрсатиб, жадвалга киритиш.

8. Ҳар бир мустақил ишни топшириш муддатини аниқ белгилаб қўйиш.

9. Мустақил ишнинг муайян тури ва шаклини қандай бажаришни йўриқнома тарзида ҳамда мисоллар ёрдамида тушунтириб бериш.

10. Бажарилиши мажбурий бўлган мустақил ишларнинг мазмунини фан бўйича ўтказиладиган оралиқ ва якуний назорат топшириқларида муайян даражада акс эттириш.

11. Мустақил ишларнинг мавзуларини шакллантиришда имкон қадар назарий машғулотларда ёритилмаган масалаларни акс эттириш, уларнинг мавзуга бевосита алоқадор эканлигини мисоллар ёрдамида тушунтириш.


12. Мустақил ишларнинг шартлари, уларни бажариш усуллари ва ишнинг шакллари имкон қадар турлича, яъни ўқув гуруҳидаги ҳар бир курсант ёки тингловчи учун алоҳида бўлишини таъминлаш.

13. Мустақил ишлар базасини мунтазам равишда кенгайтириб, унга тегишли ўзгартиришлар киритиб бориш.


Агар ўқув фани доирасида мустақил ўрганишга мўлжалланган ўқув материалнинг улуши катта бўлса, дарс машғулотларини режалаштиришнинг анъанавий схемасини (*маъруза → семинар машғулот* → *мустақил таълим*) ўзгартириш тавсия этилади. Масалан, ўқув дастуридаги мавзуларни ўзлаштиришда дарс машғулотларини *маъруза → мустақил иш → семинар машғулот* (1-расм) ёки *мустақил иш → амалий машғулот → муаммоли маъруза* тартибида режалаштириш мумкин (2-расм).

Дарсларни 1-схема бўйича ташкил қилишда курсантларга мустақил ишларни бажариш жараёнида маъруза машғулотида олинган назарий билимларни қўллаш имкониятини берилади. Бунда улар бир вақтнинг ўзида семинар машғулотига ҳам тайёрланадилар.

2-схема эса аввал берилган мавзунинг курсантлар томонидан мустақил ўзлаштириши, кейинги босқичда мавзу бўйича ҳосил бўладиган кўникмаларни амалда синаб кўриш ва ниҳоят, якуний босқичда мавзунинг ўзлаштирилиши қийин бўлган жиҳатларини ўқитувчи билан муаммоли маъруза дарсида муҳокама қилиш имконини беради.



1-расм.



2-расм.

Ушбу схемалар бўйича дарсларни ташкил қилишнинг натижалари самарали бўлиши учун маъруза ва семинар (амалий) машғулотлари орасида курсантларга мустақил ишларни бажариш учун етарли муддат бериш, дарс жадвалини тузишда бу инobatга олиш керак. Масалан, маъруза ҳафтанинг душанба куни бўлса, семинар машғулотларини чоршанба – шанба кунлари оралиғида қўйиш мақсадга мувофиқ. Агар курсантлар маъруза машғулотини бўлиб ўтган куни мустақил тайёргарлик соатларида берилган мустақил ишни бажарсалар, бу олинган назарий

маълумотларнинг ёддан кўтарилмаслигига кўмаклашади ҳамда мустақил иш сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Мустақил таълимни ташкил этиш тамойиллари

Мустақил фаолият жараёнида курсант ва тингловчилар билишга оид масалаларни ажратиш, уларни ечиш усуллари танлаш, қўйилган вазифанинг тўғри ечилишини назорат қилувчи операцияларни бажариш, назарий билимларни амалда қўллаш кўникмаларини такомиллаштиришга ўрганадилар.

Курсант ва тингловчиларларнинг мустақил ишлаш кўникма ва малакалари онгли ҳамда интуитив равишда шаклланади. Онгли равишда шаклланганда ушбу фаолиятни тўғри ташкил қилиш учун ишнинг мақсади, вазифалари, шакллари, методларини аниқ тасаввур қилиш, жараён ва унинг натижалари онгли назорат қилиниши лозим. Интуитив равишда шаклланганда тахминан тасаввур қилиш, механик такрорлаш, тақлид қилиш таъсири остида шаклланган одатлар устун туради.

Ўқитувчи раҳбарлигида курсантнинг мустақил фаолияти ҳамкорлик шаклида амалга оширилади: курсант бевосита ўқитувчидан мустақил фаолиятни ташкил қилишга оид кўрсатмалар олади, ўқитувчи эса ҳисобга олиш, назорат ва хатоларни тузатиш орқали бошқарувчи функциясини бажаради.

Ўқитувчи курсантларнинг мустақил ишлари турларини белгилаши ҳамда ўзи ўқитадиган фанни ўзлаштиришда мустақил таълимнинг муайян ўрни ва зарур даражасини аниқлаб олиши зарур.

Мустақил таълимни ташкил қилиш икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич дастлабки босқич бўлиб, унда ўқитувчи курсант ва тингловчилар фаолиятида бевосита иштирок этади, уларнинг хатоларни топади ва сабабларини кўрсатади.

Иккинчи босқич фаолиятни ташкиллаштириш босқичи бўлиб, курсант ва тингловчиларнинг билимлари мустақил тарзда шаклланиши жараёнида ўқитувчининг бевосита иштироки талаб қилинмайди.

Мустақил таълимни ташкил қилишда мустақил ишлашга бериладиган ўқув материалининг ҳажми ва мазмунан тузилишини тўғри белгилаб бериш муҳим. Курсант ва тингловчиларнинг мустақил таълимини методик жиҳатдан таъминлаш ишлар дастури, топшириқларнинг вариантлари, ҳар бир курсант ёки тингловчи учун ностандарт индивидуал топшириқлар, уларни бажариш тартибини тузиб чиқишни талаб қилади. Курсант ва тингловчиларни ўқув фани доирасида ижодий фаолиятга йўналтириш учун мутлақо янги методик ишланмалар зарур бўлади.

Мустақил таълимни ташкил этишда қуйидаги тамойилларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

- *интерфаоллик* – курсантларнинг профессор-ўқитувчилар ҳамда бошқа курсантлар билан ҳамкорлигини тақозо қилади;

- *таълимни индивидуаллаштириш* – мустақил таълимнинг педагогик таъминотида профессор-ўқитувчи томонидан курсантнинг индивидуал психологик хусусиятлари ҳисобга олинишида намоён бўлади;

- *базавий билим ва кўникмаларга таяниш* – курсантларда минимал даражадаги ахборот-коммуникация ҳамда техник воситалар билан ишлаш кўникмалари, шунингдек мустақил таълимни ташкил этиш учун бўш вақтдан самарали фойдаланиш малакалари мавжудлигини назарда тутати;

- *таълимнинг олдинда бориши* – мустақил таълимни фаоллаштириш, курсант ва тингловчиларнинг фикрлаш фаолиятини ривожлантириш, уларда мустақил прогнозлаш, танлаш ва дидактик масалаларни ишлаш лаёқатлари шаклланишини таъминлайди;

- *ташқи назорат ва ўз-ўзини баҳолаш* – таълимнинг бошқа субъектлари билан муайян фан ёки курс бўйича ахборот алмашинувини ўз ичига олади;

- *илмийлик* – мустақил иш иштирокчиларига берилган вазифаларни илмий билимларнинг замонавий талабларига биноан бажаришга имкон беради;
- *кўргазмалилик* – ахборотни тушунарли ва қулай кўринишда тақдим этишни кўзда тутди;
- *назария ва амалиёт боғлиқлиги* – муайян вазиятга боғлиқ масалаларни ечиш имконини беради.

Мустақил ишларнинг турлари ва шакллари

Ҳар бир ўқув фани бўйича мустақил иш турлари ва шакллари фаннинг ишчи ўқув дастурида кўзда тутилган ҳажмда ҳамда фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кафедралар томонидан белгиланади.

Мустақил ишлар **мақомига кўра** қуйидагича гуруҳланади:

Мажбурий, яъни ўқув режаси ва ишчи ўқув дастурлари доирасида белгиланган ишлар (мавзунини ўзлаштиришга қаратилган топшириқлар, берилган мавзу бўйича машғулотга тайёргарлик, амалиёт бўйича ҳисоботлар, курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш).

Ихтиёрий (фан бўйича иқтидор ва лаёқатни намойиш қилишга йўналтирилган ишлар, илмий тўғараклар ва конференцияларда иштирок этиш, илмий услуб жанрлари билан ишлаш).

Ташаббус бўйича бажариладиган ишлар (турли танлов, олимпиада, викториналарда иштирок этиш, кўргазмали материаллар тайёрлаш).

Мураккаблигига қараб мустақил ишлар қуйидагича даражаланади:

1-даража. Берилган намунага қараб бажариладиган мустақил ишлар.

Бунда ишни мустақил тарзда бажариш даражаси паст бўлиб, олдиндан ўқитувчи томонидан тушунтириб берилган аниқ алгоритмларга амал қилинади. Курсантлар ахборотни қайта ўрганиш усуллари ёрдамида

муайян соҳадаги билимларини мустаҳкамлайдилар. Ушбу даражадаги мустақил ишларга дарслик ва ўқув қўлланмалардаги амалий топшириқларни мустақил бажаришни мисол қилиш мумкин. Уларнинг умумий хусусияти шундаки, топшириқни бажариш усули кўрғазмали равишда ёки топшириқнинг ўзида, ёки унга тегишли йўриқномада берилади.

2-даража. Мавжуд вариантлардан фойдаланиб, уларни такомиллаштириш йўли билан бажариладиган мустақил ишлар.

Бундай ишлар олинган билимларни одатий ҳолатларга ўтказишга ёрдам беради, ҳодисалар, воқеалар, фактларни таҳлил қилишга ўргатади, фикрлаш фаоллигини ривожлантириш учун шароитлар яратади, билиш фаолиятининг методларини шакллантиради. Таълим олувчилар аввал ўзлаштирилган ўқув ахборотини хотирада тиклаб, уни қисман, яъни тузилиши ёки мазмуни жиҳатидан ўзгартирадилар. Бу эса ўрганилаётган объект таҳлилини, топшириқни бажаришнинг турли усулларини, улардан энг тўғриларини танлаш ёки мантиқан кетма-кетликда келувчи усулларни аниқлашни талаб қилади.

Бундай ишларга лаборатория ишлари ва амалий машғулотларнинг алоҳида босқичлари, кўрсатилган модель бўйича бажариладиган курс лойиҳалари киради. Уларнинг алоҳида хусусияти шундаки, топшириқда ғоя, масалани ечиш тамойиллари кўрсатиб берилади ҳамда курсант олдида ушбу ғоя ва тамойилларни усуллар тарзида ривожлантириш вазифаси қўйилади.

3-даража. Қўйилган муаммонинг ечимини излаш йўли билан бажариладиган мустақил ишлар.

Бундай ишлар курсантларнинг ижодий шахсияти шаклланишига кўмаклашади. Уларни бажариш жараёнида мунтазам тарзда янги ечимлар изланади, олинган билимлар умумлаштирилади ва тизимлаштирилади, улар бутунлай ностандарт ҳолатларга олиб ўтилади. Топшириқларни

бажаришда курсантлар аввал ўзлаштирилган (муайян алгоритм асосида) тажрибага асосланган ҳолда, билим, кўникма ва малакаларини қўллаб, ўзлари учун янги бўлган фаолият юзасидан тажриба тўплайдилар. Бундай топшириқлар ечимнинг ғоясини излаш, шакллантириш ва амалга оширишни кўзда тутиб, бунинг учун аввал тўпланган тажриба етарли бўлмайди ҳамда курсантдан топшириқнинг ва аввалги ўзлаштирилган ўқув ахборотининг шартларини ўзгартиришни, уларга бошқа нуқтаи назардан қарашни талаб қилади. Хусусан, курсант олдида нотаниш бўлган вазиятларни таҳлил қилиш ва субъектив равишдаги янги ахборотни ўзгартириш вазифаси қўйилади. Курс ишлари ва диплом лойиҳалари бунга мисол бўла олади.

4-даража. Ижодий фаолият орқали бажариладиган мустақил ишлар.

Бу мустақил ишлар тизимидаги энг юқори даража бўлиб, уларни бажариш учун олинган билимлар ва муаммоларни ечиш усулларини ўзгартириш, ечимнинг янги усулларини мустақил ишлаб чиқиш, мазмун ва мақсадни белгилаш, таълимий муаммо ечимининг режасини ишлаб чиқиш керак бўлади. Бундай вазифалар, одатда, билиш жараёни билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. Курсантлар ўрганилаётган объектнинг моҳиятига чуқур кириб, янги, аввал маълум бўлмаган тамойиллар, ғояларни топиш учун янги алоқалар ва муносабатлар ўрнатадилар, янги ахборотни яратадилар. Ушбу масалаларнинг шартига кўра, ноодатий ҳолатларни таҳлил қилиш, бундай ҳолатларда юзага келадиган ўқув муаммоларининг характерли белгиларини аниқлаш, шу муаммоларни ечиш усулларини излаш, маълум бўлган усулларни таълим ҳолати шароитларига мослаштирган тарзда улардан энг мақбулларини танлаш талаб қилинади.

Турли даражадаги мустақил ишларни самарали бажариш учун фаолиятнинг метакогнитив усулларига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Бундай усуллар курсант ва тингловчиларда умуммаданий ва касбий компетенциялар шаклланишига асос бўлади ҳамда уларда ўз фаолиятини ташкиллаштириш ва ўз-ўзини назорат қилиш кўникмалари ривожланишини таъминлайди. Уларга қуйидагилар киради:

– режалаштириш (режа тузиш, мазмунни мантиқий акс эттириш, мақсадни белгилаш, мақсадни амалга ошириш ва б.);

– кузатиш (эришилган натижани баҳолаш, ўз-ўзини назорат қилиш саволларига жавоб топиш, назарияни амалиётда қўллаш, мавзу бўйича тезислар тузиш, бошқа илмий манбаларга мурожаат қилиш ва б.);

– мувофиқлаштириш (ўз-ўзига баҳо бериш, қўшимча ресурсларни ишлатиш, иродани жамлаш, вазифаларни бажаришда муайян кетма-кетликка риоя қилиш ва б.).

Ўқув жараёнига тайёргарлик кўриш мақсадида бажариладиган мустақил ишлар

Маъруза машғулотига тайёргарлик.

Бугунги кунда маърузаларнинг анъанавий шакли тобора кам қўлланмоқда ва веб-маъруза, слайд-маъруза, бинар маъруза, суҳбат-маъруза, муаммоли маъруза, маърузанинг электрон мажмуаси каби шакллари кўпроқ самара бермоқда. Одатда ўқитувчи фан бўйича семинар машғулотини якунида кейинги маъруза мавзусини эълон қилиб, унга тайёрланиш учун адабиётлар рўйхати ва маърузанинг кириш қисмида бериладиган саволларни тақдим қилади. Бу ҳам мустақил таълимнинг шаклларида бири сифатида мавзунини чуқурроқ ўзлаштиришга, маърузани тинглаш жараёнида фаолликни намоён қилишга ёрдам беради.

Шунингдек, юқорида (1- ва 2-расмларда) кўрсатилгани каби, мавзу бўйича дастлаб семинар ёки амалий машғулот ўтказиб, унда мустақил ўрганилган мавзунинг асосий жиҳатларини муҳокама қилиш ва курсантлар

томонидан ўзлаштирилиши қийин бўлган масалаларни маъруза машғулотида очиш усули ҳам тавсия қилинади.

Семинар машғулотига тайёргарлик.

Анъанавий методика бўйича ўқитувчи томонидан навбатдаги семинар машғулотида муҳокама қилинадиган масалалар ушбу мавзу бўйича маъруза машғулотини якунида берилади. Шунингдек, семинарга тайёрланиш учун зарур бўлган барча манбаларнинг рўйхати ва ҳаволалари тақдим этилади.

Ҳозирги кунда муайян мавзунинг айрим жиҳатларига маъруза машғулотида батафсил тўхталиб, бошқа жиҳатларни мустақил равишда ўрганиш ҳамда семинар машғулотида муҳокама қилиш усули кенг тарқалмоқда.

Амалий машғулотга тайёргарлик.

Одатда амалий машғулот ўтказиладиган фанлар бўйича машғулот режаси ва унда бажариладиган ишлар кўлами курсантларга олдиндан берилади. Шу билан бирга, амалий машғулот предметига оид барча материаллар тақдим этилади. Бу машғулот давомида муайян кўникма ва малакаларнинг шаклланиши ҳамда ривожланишига кўмаклашади. Амалий машғулот давомида ҳам индивидуал равишда мустақил бажариш учун топшириқлар бериш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш имкониятлари мавжуд.

Коллоквиумга тайёргарлик.

Коллоквиум — курсант ёки тингловчилар гуруҳи томонидан ўқув дастурининг муайян қисми мустақил ўзлаштирилганидан кейин ўтказиладиган жамоавий муҳокама. Унга тайёргарлик кўриш учун профессор-ўқитувчи мустақил ўрганиладиган мавзу ёки бўлим номи, унинг эътибор талаб қиладиган ҳамда муҳокамага тортиладиган жиҳатларини кўрсатиб ўтиши лозим. Уларни режа-харита ёки силлабус деб номланадиган батафсил йўриқнома шаклида курсантларга тақдим этади.

Ўзлаштириладиган материал ҳажмига қараб курсант ва тингловчиларга мустақил тайёргарлик учун етарли вақт бериш мақсадга мувофиқ.

Сайёр дарсларга тайёргарлик.

Бугунги кунда таълимга компетент ёндашувни таъминлаш мақсадида курсантлар учун сайёр дарсларни ташкил қилиш йўлга қўйилмоқда. “Божхона иши” йўналиши курсантлари учун бојхона постлари фаолиятининг айрим жиҳатларини, “Юриспруденция” (иқтисодий хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш) йўналиши курсантлари учун ҳуқуқий жараёнлар (масалан, суд ишлари)ни ўрганиш мақсадида ўтказиладиган сайёр дарслар касбий компетенцияни ривожлантириш борасида муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, умумтаълим фанлари (Ўзбекистон тарихи, хорижий тиллар, иқтисодиёт назарияси, ҳарбий тайёргарлик ва ҳ.к.) доирасида ҳам сайёр дарслар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бундай дарсларга аввалдан тайёргарлик кўриш учун курсантларга вазифалар белгилаб бериш дарснинг самарали ўтиши ва ўзлаштирилишига ёрдам беради.

Назорат ишига тайёргарлик.

Ўқув фанининг муайян модули, бўлими, мавзулар туркуми яқунлангач, турли метод ва методикалар асосида назорат иши ўтказилиши фанни ўзлаштиришни босқичма-босқич мониторинг қилиб бориш ҳамда натижалар бўйича таълим бериш метод ва технологияларини ўзгартириш имкониятини беради. Бунда назорат ишида қамраб олинadиган мавзулар рўйхати, асосий тушунчалар, таянч ўқув материаллари курсантларга камида бир ҳафта олдин тақдим этилиши мақсадга мувофиқ.

Индивидуал ва жамоавий бажариладиган мустақил ишлар

Бажариш кўламига қараб мустақил ишлар индивидуал равишда бажариладиган, кичик гуруҳларда бажариладиган ва жамоавий ишларга бўлинади.

Индивидуал равишда бажариладиган мустақил ишлар – ҳар бир курсант учун алоҳида шакл ва тартибда тайёрланган, зарур ҳолларда ўқитувчининг маслаҳати ёрдамида бажариладиган ишлар.

Кичик гуруҳларда бажариладиган мустақил ишлар – ўқув гуруҳини 2 ёки 3 курсантдан иборат кичик гуруҳларга ажратиб, ҳар бир кичик гуруҳ учун алоҳида ишлаб чиқиладиган мустақил иш турлари ва шакллари.

Жамоавий ишларни бажариш учун берилган мавзу ёки мавзулар блокининг барча жиҳатлари ҳар бир курсантга унинг иқтидори ҳамда лаёқатига мос равишда тақсимлаб берилади, уларнинг бажарилиши умумлаштирилади. Бу турдаги мустақил ишлар ўқитувчига муайян мавзу юзасидан бир вақтнинг ўзида бутун академик гуруҳни қамраб олиш ва курсантларнинг барчасини қисқа муддатда назорат қилиш, бошқариш ҳамда баҳолаш имконини беради.

Кўйида *индивидуал равишда бажариладиган мустақил ишларнинг* тавсиявий шакллари келтирилади.

1. Берилган мавзу бўйича расмий ахборот кўринишида оғзаки ёки ёзма **маълумот** тайёрлаш. Ушбу ишнинг ҳажми мавзуга қараб белгиланади.

2. Берилган мавзу доирасидаги маълумотлардан **умумлаштирувчи жадвал** тузиш ва уни шарҳлаш. Бундай жадвал электрон кўринишда бўлиши ҳам мумкин.

3. Берилган мавзу доирасидаги маълумотлардан **кластер** тузиш ва уни шарҳлаб бериш.

4. Берилган мавзу доирасидаги маълумотлардан **граф-схема** тузиш ва уни шарҳлаб бериш.

5. Берилган мавзу бўйича **инфографика** тузиш ва уни шарҳлаб бериш. Инфографика рангли ва асосан электрон кўринишда бўлади.

6. Берилган номдаги **адабиётлар** билан танишиб, уларнинг **шарҳини** тузиш.

7. Берилган **кейс-вазифа**нинг ечимини топиш ва муайян усулда тақдим этиш.

8. Берилган мавзуни тўлиқ ёки атрофлича акс эттирувчи **электрон тақдимот** тузиш ва уни шарҳлаш.

9. Берилган мавзуга оид термин ва тушунчалардан **гlossарий** тузиш.

10. Ўқув фанининг бир бўлимида ўзлаштирилган тушунчалардан **кроссворд** тузиш.

11. Берилган мавзуда **реферат** тузиш. Рефератнинг қуйидаги турларини қўллаш мумкин: *реферат-резюме, обзорли реферат, реферат-маъруза* ва бошқалар.

12. Берилган мавзуда мустақил фикр ва шахсий қарашларини акс эттирган ҳолда **эссе** ёзиш. Бунда эссенинг қуйидаги турларини қўллаш мумкин: *тавсифий, рефлексив, танқидий, таҳлилий*.

13. Мустақил равишда қўрилган **ўқув фильмига тақриз** ёзиш.

14. Берилган матннинг бошқа тилдан ўзбек тилига ёки ўзбек тилидан бошқа тилга (тил фанлари бўйича) мустақил тарзда **таржима қилиш**.

15. Берилган номдаги манбани (илмий ёки бадиий асар, илмий мақола ва ҳ.к.) **мутолаа қилиш** ва унинг мазмуни бўйича **саволларга жавоб бериш**.

16. Берилган мавзу бўйича баҳс-мунозара ўтказиш учун **мунозарали саволлар** тузиш. Бунда саволлар миқдори мавзуга боғлиқ бўлади.

17. Берилган мавзуда **публицистик мақола** ёзиш.

18. Берилган мавзуда **илмий мақола** ёзиш.

19. Илмий **мақола тезисларини** ёзиш.

20. Берилган манба (илмий ёки бадиий асар, дарслик, ўқув қўлланма, луғат, илмий мақола ва ҳ.к.) мазмуни билан танишиб, унга **аннотация** ёзиш.

21. Берилган манба (илмий асар, дарслик, ўқув қўлланма, луғат, илмий мақола ва ҳ.к.) мазмуни билан танишиб, унга **илмий тақриз** ёзиш.

22. Берилган мавзуда **курс иши** ёзиш.

Кичик гуруҳларда бажариладиган мустақил ишлар турлари қуйида берилган.

1. Берилган мавзу бўйича электрон **дайджест** яратиш.

2. Берилган мавзу бўйича электрон **буклет** тайёрлаш.

3. Берилган мавзу бўйича **электрон альбом** тайёрлаш.

4. Берилган мавзу бўйича **видеоролик** тайёрлаш.

5. Берилган вазият асосида **касбий ўйин** ўтказиш.

6. Берилган мавзуда ўтказиладиган **дарсдан ташқари тадбир** сценарийсини тузиш.

7. Ўқув фани бўйича курсантлар ёки **тингловчилар конференцияси** дастурини тузиш.

8. Берилган мавзу бўйича амалий **лойиҳа** яратиш.

Қуйида индивидуал ва жамоавий бажариладиган мустақил ишларнинг айрим шаклларида батафсил тўхталамиз.

Реферат ёзиш

Мустақил ишнинг мақсади: курсантларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш, уларга назарий изланиш методларини ўргатиш, уларда мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш.

Реферат (лотин тил. *refere* – *мурожаат қилиш, маълумот топшириш*) – янги ва зарур аҳамиятга эга маълумотларни олиш мақсадида асл манба матнларини мустақил ижодий тушуниб етиш ва қайта ишлаш маҳсули.

Реферат турлари:

1) *реферат-конспект* – фактга асосланган маълумотларнинг умумлашган кўринишини, изланиш методлари ҳақидаги турли маълумотларни, кўргазмали материалларни, изланиш натижалари ва уларнинг қўллаш имкониятларини ўз ичига олади;

2) *реферат-резюме* – маълум мавзунинг фақат асосий мазмунини акс эттиради;

3) *реферат-маъруза* – муаммонинг объектив баҳосини акс эттиради;

4) *обзорли реферат* – асл манба-ҳужжатлар ёки ҳужжатларнинг маълум қисмидан олинган кўчирма асосида тузилади.

Вазифанинг бажарилиши:

1) ўқитувчи томонидан мавзу белгиланмаган бўлса, мавзунини танлаш;

2) қайта ишлашни тақозо қиладиган манбаларни белгилаш;

3) танланган материалларни манбалардан ўрганиш, тизимлаштириш ва қайта ишлаш;

4) режа тузиш;

5) реферат матнини ёзиш:

– танланган мавзунинг долзарблигини асослаш;

– реферат қилинаётган матннинг чиқиш маълумотларини (номи, қаерда чоп этилганлиги, сана), муаллиф ҳақида маълумотларни (Ф.И.Ш., мутахассислик, илмий даража, улмий унвон) кўрсатиш;

– танланган мавзунинг муаммосини шакллантириш;

– реферат қилинаётган матннинг асосий тезисларини келтириш ва уларни асослаш;

– рефератда эълон қилинган муаммо бўйича умумий хулоса келтириш.

Ишдан кутиладиган натижалар:

- курсантда умумлаштириш, таҳлил қилиш, маълумотларни қабул қилиш, ўз олдига мақсад қўйиш ва унга эришиш йўллари танлаш каби хусусиятлар ривожланади;

- мантиқан тўғри, асосланган ва аниқ оғзаки ҳамда ёзма нутқни тузиш кўникмаси ривожланади.

Эссе ёзиш

Мустақил ишнинг мақсади: мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш ва ўз фикрларини ёзма баён этишга ўргатиш.

Эссе – муаллифнинг индивидуал нуқтаи назарини эркин, одатда ностандарт тарзда баён этишни ўз ичига қамраб олувчи фалсафий, адабий-танқидий, тарихий-биографик, оммабоп наср жанри.

Эссе турлари:

1) *мазмунига кўра:* фалсафий, адабий-танқидий, тарихий, бадий, бадий-оммабоп ва б.;

2) *бадийлик шаклига кўра:* тақриз, лирик миниатюра, хотиралар, кундалик саҳифалар, хатлар ва б.

Шунингдек, тавсифловчи, ҳикоя қилувчи, танқидий, таҳлилий эссе турлари мавжуд.

Эссенинг белгилари:

- кичик ҳажм – 3-7 бет бўлган компьютер матни;
- аниқ мавзу ва унга эътибор қаратилган субъектив талқин;
- эркин композиция – эссенинг муҳим хусусияти;
- фикрни эркин баён қилиш;
- фикрни ностандарт тарзда билдириш, яъни эссе ўқувчини ҳайратлантириши лозим, бу унинг зарурий хусусияти ҳисобланади;
- ички маъно яхлитлиги;
- оғзаки нутққа яқинлик, яъни эссе ёзишда сленг, қолип иборалар, қисқартмалар қўлланмайди.

Вазифанинг бажарилиши:

1) кириш қисмини ёзиш (келгусида муаммони ифодалаш учун хизмат қиладиган 2-3 та гап);

2) нафақат муаллиф, балки эссени ўқийдиганлар учун ҳам қизиқарли бўлган муаммони ифодалаш;

- 3) муаммога изох бериш;
- 4) муаллифлик фикрини шакллантириш ва асослар келтириш;
- 5) хулоса ёзиш (хулоса, айтилганларни умумлаштириш).

Ишдан кутиладиган натижа: курсантда мантиқан тўғри, асосланган ва аниқ оғзаки ҳамда ёзма нутқ қуриш лаёқати ривожланади.

Маъруза тайёрлаш

Мустақил ишнинг мақсади: курсантларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш, уларга назарий изланиш методларини ўргатиш, мустақил фикрлаш хусусиятларини ривожлантириш.

Маъруза – муайян вазиятга тегишли бўлган масала ёки изланишнинг моҳиятини ўз ичига олган ва акс эттирган оммавий хабар ёки ҳужжат.

Маъруза турлари:

1) *оғзаки маъруза* – амалга оширилган ишлар натижалари бўйича тузилади ва ушбу натижаларни тушунтиришда самарали восита ҳисобланади;

2) *ёзма маъруза:*

– *қисқа* (10 бетгача) – изланиш жарёнида эришилган ва энг муҳим бўлган маълумотларни хулосалайди;

– *батафсил* (30 бетгача) – фақатгина сарлавҳали матн шаклида бўлмай, диаграммалар, жадваллар, расмлар, суратлар, иловалар, ҳаволалар, изохларни ҳам акс эттириши мумкин.

Вазифанинг бажарилиши:

1) мавзунини аниқ шакллантириш (масалан, ёзма маъруза мавзусини);

2) маълумотларни ўқитиш манбага ажратиш, мавзу бўйича тавсия этилаётган адабиётларни ўрганиш ва танлаб олиш:

– бирламчи (мақола, диссертация, монография ва б.);

– иккиламчи (библиография, рефератив журналлар, назорат учун мўлжалланган маълумотлар, режалар, граф-схемалар, соҳавий кўрсаткичлар ва б.);

– учламчи (умумлаштирувчи қисқача маълумотлар, маълумотномалар, адабиётлар ва б.);

3) танланган мавзуга мос ва уни мантиқан ёритиб берувчи режа тузиш;

4) куйидаги талабларга риоя этган ҳолда маърузани ёзиш:

– маърузанинг тузилиши – у муаммонинг долзарблигини асословчи қисқача кириш, асосий матн, изланаётган муаммо бўйича қисқача хулосалардан иборат хотимани, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олиши керак;

– маърузанинг мазмуни – умумий мазмунни аниқ мисоллар билан мустаҳкамлаш ва тушунтириш; дарслик ва ўқув қўлланманинг алоҳида бўлимларини қайта сўзлаш эмас, балки кўриб чиқиляётган савол бўйича хусусий мулоҳазаларни баён этиш, ўзининг таклифларини киритиш;

5) ишни талабларга мувофиқ расмийлаштириш.

Ишдан кутиладиган натижалар:

- курсантларда илмий ишларнинг натижаларини таҳлил қилиш ҳамда уларни муайян таълимий ва илмий вазифаларни ҳал этишда қўллаш хусусиятлари ривожланади;

- илмий вазифаларни ностандарт тарзда ҳал этиш учун индивидуал креатив қобилиятларни қўллашга эришилади;

- хизмат фаолиятининг стандарт (қолипли) вазифаларини АКТ ҳамда ахборот хавфсизлиги талабларини инобатга олган ҳолда ахборот ва библиография маданияти асосида ҳал этиш кўникмалари ривожланади.

Глоссарий тузиш

Мустақил ишнинг мақсади: курсантларда ахборот маданияти даражасини юксалтириш; уларда янги билимларни шакллантириш, ўқув курсининг таълим соҳаси доирасида зарур бўлган кўникмаларни ривожлантириш.

Глоссарий – махсус терминлар ва уларнинг изоҳлари луғати.

Глоссарий мақоласи – терминнинг изоҳи.

Вазифанинг мазмуни бир ёки бир неча манбалар бўйича мавзуларнинг умумий хусусиятлари бирлаштирилган тушунчалар ва терминларни йиғиш ҳамда тизимлаштиришдан иборат.

Вазифанинг бажарилиши:

- 1) ишни диққат билан ўқиб чиқиш;
- 2) тез-тез учрайдиган терминларни аниқлаш ва ёзиб олиш;
- 3) умумий мавзуга бирлаштириладиган терминларнинг рўйхатини тузиш;
- 4) терминларни алфавит тартибида жойлаштириш;
- 5) глоссарий мақолаларини тузиш;
- 3) терминнинг аниқ таҳририни бош келишикда бериш;
- 4) ушбу терминнинг маъносини кенг ёритиб бериш.

Ишдан кутиладиган натижа: хизмат фаолиятининг стандарт (қолипли) вазифаларини АКТ ва ахборот хавфсизлиги талабларини инобатга олган ҳолда ахборот ҳамда библиография маданияти асосида ҳал этиш лаёқати ривожланади.

Лойиҳа тайёрлаш

Мустақил ишнинг мақсади: курсантларда башорат қилиш, лойиҳалаш, моделлаштириш қобилиятларини ривожлантириш.

Лойиҳа (индивидуал, жамоавий) – курсантлар томонидан бирор-бир илмий тадқиқот, ижодий ёки амалий муаммонинг мустақил тарзда ишлаб чиқилган батафсил ечимини топиш.

Иш босқичлари:

- муаммони танлаш;
- мақсадларни белгилаш;
- вазифаларни белгилаш;
- маълумотларни излаб топиш;
- ижодий гуруҳ (гуруҳлар)



тузиш;

- гуруҳ бўлиб ёки индивидуал ишлаш;
- гуруҳ ичида мунозара қилиш;
- тақдимотни намойиш қилиш.

Вазифанинг бажарилиши:

1) лойиҳани форматлаш;

2) лойиҳани тайёрлаш (вазифаларни ҳал этиш методлари ва воситаларини назарий моделлаштириш; аниқ вазифаларни ҳал этиш босқичларини батафсил ишлаб чиқиш; олинган натижаларни тизимлаштириш ва умумлаштириш, тахмин қилинаётган натижаларни конструкциялаш, лойиҳалаш ҳаракатларини босқичма-босқич бажариш);

3) рефлексия (олинган натижаларнинг тахминга мувофиқлигини аниқлаш, олинган маҳсулотнинг сифатини, келажакда унинг ривожланиши ва фойдаланилиши истиқболларини белгилаш).

Ишдан кутиладиган натижалар:

- таълимий ва касбий вазифаларни ҳал этишда фан ҳамда таълимнинг замонавий муаммоларига оид билимларни қўллашга эришилади;

- илмий вазифаларни ностандарт тарзда ҳал этиш учун индивидуал креатив қобилиятларни қўллашга эришилади;

- башорат қилиш, лойиҳалаш, моделлаштириш лаёқатлари ривожланади.

Кейс-вазифаларни бажариш

Мустақил ишнинг мақсади турли вазиятларга оид масалаларни ҳал қилиш жараёнида курсантларда концептуал схема ва моделлардан амалий фойдаланиш малакаларини, шунингдек муаммоларни индивидуал тарзда ва гуруҳда таҳлил қилиш ҳамда қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш орқали уларнинг билимларини мустаҳкамлашдан иборат. Кейсларнинг айрим турлари қисқа муддатда катта ҳажмдаги тартибга келтирилмаган маълумотларни таҳлил қилиш, маълумотлар етарли бўлмаган ҳолларда тўғри қарор қабул қилиш маҳоратини шакллантиришга қаратилган бўлади.

Кейс-вазифа (инглизча *case* – ҳолат, вазият) – аниқ воқеа ёки воқеалар кетма-кетлиги билан боғлиқ амалий муаммоли вазиятлар – кейслар ечимини топишга асосланган таълим методи.

Кейсларнинг турлари: кўргазмали, таҳлилий, қарор қабул қилишга ундайдиган.

Вазифанинг бажарилиши:

- 1) муҳокама учун асосий матнни саволлари билан тайёрлаш:
 - кейснинг эсда қоларли қисқа номи акс эттирилган титул варақ;
 - кейснинг кириш қисми (кейс қаҳрамон(лар)и кўрсатилади, саволнинг тарихи ёритилади, ҳаракатнинг бошланиш вақти кўрсатилади);
 - асосий маълумот, муаммонинг асоси, муаммонинг яширин ечими;
 - хулоса (баъзида кейсда кўриб чиқиладиган муаммонинг ечими якунига етмаган бўлиши ҳам мумкин);
- 2) кейснинг умумий контекстини ёритиб берувчи турли маълумотларни ўз ичига олган иловаларни (ҳужжатлар, нашрлар, фото, видео ва б.) танлаш;

3) муаммонинг эҳтимолий ечимини таклиф қилиш.

Ишдан кутиладиган натижалар:

- илмий ишлар натижаларини таҳлил қилиш ва уларни муайян таълимий ҳамда илмий вазифаларни ҳал этишда қўллаш хусусиятлари ривожланади;
- илмий вазифаларни ностандарт тарзда ҳал этиш учун индивидуал креатив қобилиятларни қўллашга эришилади;
- хизмат фаолиятининг стандарт (қолипли) вазифаларини АКТ ва ахборот хавфсизлиги талабларини инобатга олган ҳолда ахборот ҳамда библиография маданияти асосида ҳал этиш лаёқати ривожланади.

Маълумот тайёрлаш

Мустақил ишнинг мақсади: маълумот излашнинг ҳар хил турлари асосида ўқув ҳаракатларини лойиҳалаш ва қайта ишлаш қобилиятларини ривожлантириш.

Маълумот тайёрлаш – муайян структурага эга бўлмаган ҳужжатли маълумотларни излаб топиш ва тайёрлаш.

Маълумот қидирувининг вазифалари:

- моделлаштириш;
- ҳужжатларни таснифлаш;
- ҳужжатларни саралаш;
- қидирув тизимлари ва фойдаланувчининг интерфейсларини лойиҳалаштириш;
- маълумотни топиш (ҳужжатларни аннотациялаш ва рефератлаш);
- қидирув тизимларида маълумот излаш тилини танлаш.

Излаш турига кўра вазифанинг мазмуни:

- библиографик излаш – манба ҳақида керакли маълумотни қидириш ва унинг бошқа манбалар тизимида мавжудлигини аниқлаш. Бу

библиографик маълумотлар ва библиографик қўлланмаларни (ахборот нашрлар) излаш орқали амалга оширилади;

– керакли маълумот мавжуд бўлган ёки маълумотга бой манбаларни (ҳужжатлар ва нашрлар) излаш;

– адабиётлар ва китобларда мавжуд бўлган аниқ маълумотларни излаш (масалан, тарихий вақт ва ҳодисалар; ёзувчи, олим ва бошқаларнинг библиографик маълумотлари ва фаолияти ҳақида).

Вазифанинг бажарилиши:

1) билим соҳасини белгилаш;

2) маълумотлар тури ва манбасини танлаш;

3) маълумотлар моделини тўлдириш учун керакли материаллар йиғиш;

4) энг керакли маълумотларни саралаш;

5) маълумотни саралаш методини танлаш (синфлаш, кластерлаш, регрессион таҳлил ва бошқалар);

6) излаш қонуниятларининг алгоритминини танлаш;

7) тўпланган маълумотларда қонуниятлар, расмий қоидалар ва тизимли алоқаларни излаш;

8) олинган натижаларни ижодий талқин қилиш.

Аниқ бир маълумот излашнинг зарур хусусиятлари ва ўзига хослигини (шартларини) аниқлаш моделига мисол:

– *излаш мақсади* – ҳужжатлар қидируви (мавзу бўйича асосий ҳужжатлар ва нашрларни излаш);

– *излаш предмети* – тематик қидирув (фақат муаммо бўйича);

– *адабиёт жанри (тури)* – тур бўйича қидирув (монографиялар, тўпламлар, маълумотномалар, библиографик қўлланмалар);

– *излаш методи* – диалектик қидирув (излашнинг барча мавжуд методлари йиғиндиси);

– *хронологик қамров* – ретроспектив қидирув (маълум муддат оралиғида) излаш;

– *географик қамров* – мамлакатлараро қидирув (шу жумладан чет тилидан таржима қилинган маълумотлар манбаларини топиш);

– *излашнинг тўлиқлиги* – танлаш асосида қидирув (энг диққатга сазовор нашрларни танлаш).

Ишдан кутиладиган натижалар:

- хизмат фаолиятининг стандарт (қолипли) вазифаларини АКТ ва ахборот хавфсизлиги талабларини инобатга олган ҳолда ахборот ҳамда библиография маданияти асосида ҳал этиш лаёқати ривожланади;

- таълимий ва касбий вазифаларини ҳал этишда фан ҳамда таълимнинг замонавий муаммолари бўйича билимларни қўллашга эришилади.

Инфографика тузиш

Мустақил ишнинг мақсади: муайян мавзуга оид тушунчалар ва унинг алоҳида бўлимлари ўртасидаги муносабатларни англаш.

Инфографика – коммуникатив дизайн соҳаси бўлиб, унинг асосида маълумотларни, алоқаларни, рақамли маълумотларни ва билимларни график кўринишда тақдим этиш мумкин.

Вазифа тури: берилган мавзу бўйича маълумотларни визуал шаклда – график дизайн белгиларида, расмларда, иллюстрацияларда тақдим этиш.

Вазифанинг бажарилиши:

1) мавзуни танлаш;

2) маълумотларни тўплаш (ҳужжат ва визуал кўринишдаги);


3) тўпланган маълумотларни тизимлаштириш;

4) тақдимот режасини яратиш:

– маълумотларни турига кўра синфлаш;

– ҳаракат мавзусини танлаш (ўргатувчи, тадқиқот, тақлидий);

музокаралар ва мунозаралар);



- ижодий тактикани танлаш (маълумотларни ўрганишда ва тақдим этишда янги шакл ва ёндашувларни яратиш);
- муайян тамойил бўйича маълумотларни тизимлаштириш (алифбо, вақт, категория ва иерархия бўйича);
- эскизни яратиш (чоп этиладиган инфографика учун) ва ҳикоя тахтасини яратиш (интернет-инфографика учун);
- графикани режалаштириш ва унинг устида ишлаш (асосий ва иккинчи даражали объектларни яратиш).

Ишдан кутиладиган натижалар:

- илмий вазифаларни ностандарт тарзда ҳал этиш учун индивидуал креатив қобилиятларни қўллашга эришилади;
- мавзуларнинг тушунчалари ёки алоҳида бўлимлари ўртасидаги муносабатлар ўзлаштирилади.

Мультимедиа тақдимоти яратиш

Мустақил ишнинг мақсади:

- ўқув материални ўзлаштириш (мустаҳкамлаш, умумлаштириш, тизимлаштириш);
- билим сифатининг назоратини таъминлаш;
- ахборот технологиялари билан ишлаш имкониятини таъминловчи махсус компетенцияларни шакллантириш;
- умуммаданий компетенцияларни ривожлантириш.

Мультимедиа тақдимоти – мультимедиа технологияларини қўллаш орқали ўқув материали, ўқув вазифасининг мазмунини тақдим этиш.

Мультимедиа тақдимотининг асосий турлари:

1) *ўргатувчи ва текширувчи тақдимотлар* (ўқув материалининг мазмуни билан танишиш ва унинг ўзлаштирилишини назорат қилиш имконини беради);

2) электрон каталог тақдимоти (катта ҳажмдаги маълумотларни тез, сифатли ва самарали тарқатиш имконини беради);

3) электрон тақдимотлар ва реклама роликлари (имидж яратиш ва объект ҳақидаги маълумотларни тарқатиш учун хизмат қилади);

4) тақдимот-таириф қозғозлари (ишнинг муаллифи ҳақида тасаввурга эга бўлишга кўмаклашади).



Мультимедиа тақдимотлари мақсадига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1) ўқув жараёнига илова қилинадиган тақдимот (маълумотлар манбаи ва курсантларнинг эътиборини жалб этувчи восита);

2) ўқув ёки илмий тадқиқот тақдимоти (ундан курсантларнинг эътиборини лойиҳанинг асосий ғоясига тахминий натижа ва самарадорлик нуқтаи назаридан қаратиш учун фойдаланилади);

3) ўқув жараёнини ахборот билан бойитувчи тақдимот (адабиётлар банки, назорат ва тест вазифалари, оралиқ ва якуний назорат саволларини янгилашда қўлланади);

4) ҳисобот тақдимоти (ҳисобот тузилишидан келиб чиққан ҳолда ҳисоботни мантиқан боғланган бир неча бўлимлар кўринишида ифодаловчи мультимедиа иловаси).

Вазифанинг бажарилиши:

- 1) лойиҳалаш босқичи:
- 2) тақдимот мақсадини белгилаш;
- 3) зарур маълумотларни жамлаш (матнлар, расмлар, схемалар ва б.);
- 4) материални тақдим этишнинг структураси ва мантиғини шакллантириш;
- 5) материаллар жойлаштириладиган папкани яратиш;
- 6) конструкциялаш босқичи: слайдларни яратиш (иш бажарилган кафедра номини ўз ичига олган титул varaқ, тақдимот номи, шаҳар ва йил; хабар мавзулари бўйича гуруҳларга ажратилган тақдимот слайдларининг тўлиқ рўйхати; якуний слайдлар – хулоса, таклиф, адабиётлар рўйхати ва бошқалардан ташкил топади);
- 7) моделлаштириш босқичи: тайёрланган материални текшириш ва тузатиш, уни намоиш этиш давомийлигини белгилаш.

Ишдан кутиладиган натижалар:

- курсантларнинг ахборот маданияти ошади ва улар замонавий ахборот маконига киришга тайёрланади;
- таълимий ва касбий вазифаларни ҳал этишда фан ҳамда таълимнинг замонавий муаммоларига оид билимларни қўллашга эришилади;
- касбий маълумотларни танқидий таҳлил қилиш, умумлаштириш, мақсадларни белгилаш ва унга эришиш усулларини танлаш қобилияти ривожланади;
- тадқиқот муаммоларининг асл ечимини топишда индивидуал ижодий қобилиятлардан фойдаланишга эришилади.

Умумлаштирувчи жадвал тузиш

Мустақил ишнинг мақсади жадвал тузиш ёрдамида мавзуларнинг тушунчалари ёки алоҳида бўлимлари ўртасидаги муносабатларни ўзлаштиришдан иборат.

Умумлаштирувчи жадвал – ўзгарувчан кўрсаткичлар шаклида ифодаланган ўрганилаётган ҳодисалар ўртасидаги муносабатларни жамланган ҳолда намоиш этиш.

Вазифанинг турлари:

1) матнда тушунчалар ёки категориялар шаклида ифодаланган муайян тизимнинг элементлари ўртасидаги функционал муносабатларни жадвал орқали акс эттириш;

2) ўрганилаётган мавзудаги фанлараро муносабатларни кўрсатиб бериш.

Жадвални тузиш қоидалари:

1. Жадвал ифодали ва ихчам бўлиши керак. Жадвалларни бир нечта кичик ўлчамда, тадқиқот топшириғига монанд ҳолда тузиш мақсадга мувофиқ.

2. Жадвалнинг номи, сатр ва устунларнинг сарлавҳалари аниқ ва лўнда ифодаланиши керак.

3. Жадвалда ўрганилаётган объект ва ўлчов бирликлари кўрсатилиши зарур.

4. Жадвалда бирор маълумот бўлмаса, кўп нукта ёки “маълумотлар йўқ” деб ёзилади, агарда бирон-бир ҳодиса рўй бермаган бўлса, унда тире қўйилади.

5. Бир хил кўрсаткичларнинг қийматлари жадвалда бир хил аниқлик даражасида берилади.

6. Жадвалда гуруҳлар, кичик гуруҳлар ва умумий натижалар акс эттирилиши керак.


7. Агарда маълумотларни умумлаштиришнинг имкони бўлмаса, унда тегишли устунга кўпайтириш белгиси қўйилади.

8. Катта жадвалларда ўқиш ва таҳлил қулайлиги учун ҳар беш қатордан кейин бўш жой қолдирилади.

Ишдан кутиладиган натижалар:

- илмий муаммоларнинг асл ечимини топишда индивидуал ижодий қобилиятлар ривожланади;
- мавзуларнинг тушунчалари ёки алоҳида бўлимлари ўртасидаги муносабатларни ўзлаштиришга эришилади.

Граф-схема тузиш



Мустақил ишнинг мақсади: мавзуларнинг тушунчалари ёки алоҳида бўлимлари ўртасидаги муносабатларни англаш ва уларни акс эттириш.

Схема – бу белгилаш, таҳлил қилиш ёки вазифани ҳал этишда маълумотни акс эттириш учун символлардан фойдаланилган методнинг

график кўриниши.

Граф-схема – матннинг асосий субъектлари ўртасидаги мантикий алоқалар (шартли равишда белгиланган константалар ўртасидаги муносабатлар)нинг график тасвири.

Вазифанинг турлари:

1) тушунчалар ўртасидаги иерархик муносабатларни кўргазмали шаклда тақдим этиш;

2) матнда тушунчалар ёки категориялар шаклида ифодаланган бирор тизимнинг элементлари ўртасидаги функционал муносабатларни акс эттириш.

Вазифанинг бажарилиши:

1) муайян бўлимда (муайян мавзу бўйича) ўрганилган асосий тушунчаларни ажратиб кўрсатиш;

2) тушунчаларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш;

3) тушунчаларнинг алоҳида блоклари бир-бирлари билан қандай боғлиқ эканлигини кўрсатиш;

4) яратилган граф-схемада мос тушунчаларнинг ўзаро алоқаларига мисоллар келтириш.

Ишдан кутиладиган натижалар:

- илмий муаммоларнинг ечимини топишда курсантларнинг индивидуал ижодий қобилиятларидан фойдаланишга эришилади;

- мавзуларнинг тушунчалари ёки алоҳида бўлимлари ўртасидаги муносабатлар ўзлаштирилади.

Дарсдан ташқари тадбир услубий ишланмасини яратиш

Мустақил ишнинг мақсади курсант ва тингловчиларда касбий-педагогик компетенцияларни ривожлантиришдан иборат.

Тадбир – бу жамоанинг ҳар қандай таълимий мақсадга эришишга қаратилган ҳаракати.

Дарсдан ташқари (тарбиявий) тадбир – ўқитувчининг муайян ўқув вазифаларини курсантлар ҳамда ўқитувчилар таркиби билан ҳал қилишга қаратилган ўзаро алоқаси.

Вазифанинг турлари:

1) ўрганилаётган фанга барқарор қизиқишни шакллантиришга қаратилган дарсдан ташқари тадбирнинг услубий ишланмасини яратиш;

2) фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган дарсдан ташқари тадбирнинг услубий ишланмасини яратиш.

Вазифанинг бажарилиши:

1) тайёргарлик қисми:

- тадбирнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш;
- тарбиявий вазифаларнинг мазмуни ва йўналишини, курсантларнинг ёшини (ўқитувчилик амалиётини), анъаналарни, техник имкониятларни ҳисобга олган ҳолда иш турлари, шакллари ва усулларини танлаш;

- курсантларни тадбирни тайёрлаш ва ўтказишга максимал даражада жалб қилиш;

- соҳа ва тадбир мавзуси бўйича мутахассислар, ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассаларининг иштирок этиш имкониятини аниқлаш;

- дарсдан ташқари тадбирнинг услубий ишланмасини яратиш учун зарур бўлган адабиётларнинг чиқиш маълумотларини кўрсатган ҳолда танлаш;

2) ташкилий қисм:

- тематик мавзуга оид материал танлаш;
- тадбирни ўтказиш усулларини танлаш;
- дидактик воситалардан (тест, анкета, видеосюжет, ўйин фаолияти ва б.) фойдаланишни ўйлаб чиқиш;

- тадбирни ўтказиш мантиғини тузиш ва қўйилган мақсадга мувофиқ мавзунинг мантиқий якуни ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;

- тадбир ўтказиладиган жойга мувофиқ унинг давомийлигини белгилаш;

- эмоционал таъсирга эришиш мақсадида тадбир композицияси учун безаш материалларини танлаш;

- конспект-режа ёзиш;

- тадбир таҳлили учун схемалар тузиш.

*Дарсдан ташқари тадбир намунавий схемасининг тахминий
кўриниши:*

1. Тадбирнинг номи.
 2. Тадбирни ўтказиш жойи ва санаси.
 3. Академик гуруҳ (взвод)нинг тавсифи: йигитлар, қизлар сони, уларнинг қизиқишлари ва бошқа маълумотлар.
 4. Ташкил этилаётган фаолият тури (у тарбиявий фаолият тизимига кирадими ёки эпизодик тадбирми).
 5. Тадбирнинг мақсади (масалан, илмий-педагогик амалиёт учун: тадбирда қандай умуммаданий компетенцияларни шакллантириш кўзда тутилмоқда; ушбу тадбир академик гуруҳ жамоасининг қандай вазифасини ҳал этиш ва курсант шахсининг қандай сифатларини шакллантиришга қаратилган).
- Ушбу фаолият тури ва мазмунини танлашга психологик асос (масалан, педагогик амалиёт учун бу дарснинг умумтарбиявий вазифаларига, жамоанинг ривожланиш даражасига, курсантларнинг ёш хусусиятларига мос келиши).

Ишдан кутиладиган натижалар:

- ўқув жараёнининг замонавий ташҳислаш ва баҳолаш технологияларидан фойдаланишга эришилади;
- ДТСда қўйилган талабларга мос келадиган таълим сифатини таъминлаш учун ўқув жараёнининг шартлари ва натижаларини таҳлил қилиш амалга оширилади;
- башорат қилиш, лойиҳалаш, моделлаштириш методлари қўлланади.

Курс иши ёзиш

Мустақил ишининг мақсади: Давлат таълим стандартларида таълим соҳаси ва йўналиши бўйича белгиланган фанни ўрганиш жараёнида эгалланган назарий билимларни ва амалий кўникмаларни тизимлаштириш.

Курс иши – мутахассислик ёки ўқув режанинг таянч фанларидан бири бўйича курсантларнинг илмий изланиши, битирув малакавий иш ёзишга тайёргарликдаги муҳим босқич.

Курс иши турлари:

1) *фан бўйича курс иши* (илмий раҳбарлик фан ўқитувчиси томонидан олиб борилади);

2) *мутахассислик бўйича курс иши* (илмий раҳбарлик мутахассислик кафедраси томонидан олиб борилади).

Курс ишининг бажарилиши:

1) мавзунини танлаш ва уни илмий раҳбар билан муҳокама қилиш;
2) курс ишини бажариш учун керакли материаллар тўплаш;
3) курс ишининг режасини ишлаб чиқиш ва илмий раҳбарга тасдиқлатиш;

4) ишнинг ҳар бир бўлими ёки муаммоси бўйича танланган материалларни замонавий методларни қўллаш орқали тизимлаштириш ва қайта ишлаш;

5) хулосаларни шакллантириш ва уларни илмий раҳбар билан муҳокама қилиш;

6) ишни стандарт талаблар ва уни бажариш бўйича методик кўрсатмаларга мувофиқ ёзиш (кириш, асосий қисм бўлимлари, хулоса, иловалар, адабиётлар рўйхати).

Ишдан кутиладиган натижа: курсантларда мустақил илмий изланиш кўникмаларини ҳосил қилишга эришилади.

Касбий ўйинлар ўтказиш

Мустақил ишнинг мақсади: муайян касбий вазиятлар, яъни имкон қадар амалиётга яқинлаштирилган ҳаётий ҳолатларни яратиш йўли билан курсантларда ушбу вазиятларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш кўникма-малакаларини шакллантириш ва бу борада амалий тажриба орттиришга кўмаклашиш.

Касбий ўйин – ўқитувчи раҳбарлигида ташкил этиладиган ва ўтказиладиган, касбий вазиятлар асосига қурилган ва уларга доир муаммоларни ҳал этишга қаратилган ўқув-амалий ролли тадбир.

Касбий ўйинларнинг хусусиятлари:

- ҳаётийлик, ўйин давомида аниқ вазиятларнинг кўриб чиқилиши;
- ўйин моҳиятини ташкил қилувчи вазифа ва процедураларнинг қайтарилиши;
- низонинг мавжудлиги (низо йўқ бўлса, муаммо ҳам пайдо бўлмайди);
- яширинган имкониятлар ва лаёқат турларининг юзага чиқиши.



Касбий ўйинларнинг турлари:

- 1) лойиҳали;
- 2) стратегик;

- 3) ташкилий;
- 4) ўқув;
- 5) тақдимотли.

Вазифанинг бажарилиши:

1) ўйин иштирокчилари белгиланади ва улар орасида роллар тақсимланади (бунда курсантларнинг истак-хоҳишини ҳисобга олган маъкул);

2) ўқитувчи томонидан ролларни тўғри бажариш учун зарур норматив ҳужжатлар ва методик материал бўйича тавсиялар берилади;

3) касбий ўйин давомида курсантлар фаолиятини тўғри йўналтириш ва таҳлил қилиш амалга оширилади;

4) йўл қўйилган камчиликлар ва хатоларга эътибор қаратилади, улар таҳлил қилинади.

Ишдан кутиладиган натижалар:

- курсантларда касбий компетенциялар ривожланади;
- уларнинг фаоллиги ошади;
- шахсий нуқтаи назарини асослаб ҳимоя қилиш малакаси ривожланади;
- олинган ахборотни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш малакаси ривожланади;
- гуруҳда ишлаш кўникмалари ривожланади;
- ижодий фикрлаш фаоллашади;
- турли вазиятларда энг мақбул қарорни излаш кўникмалари ҳосил бўлади.


Электрон дарслик воситасида бажариладиган мустақил ишлар

Мустақил ишнинг мақсади: курсантларнинг муайян ўқув фани бўлими ёки ўқув модули бўйича умумийдан хусусийни ажратиш кўникмаларини ривожлантириш, олган билимларини тизимлаштириш

ҳамда тизимлаштириш тўғри амалга оширилганлигини мустақил назорат қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Электрон дарслик – таълим жараёнида ҳамда мустақил таълимни ташкил этишда анъанавий босма дарслик ўрнини босувчи самарали таълим воситаси.

AutoPlay Media Studio 8 – бу бир вақтнинг ўзида бир неча педагогик ва тарбиявий вазифаларни бажариш ҳамда ўқув жараёнидан кўзланган мақсадларга эришишда самарали бўлган машқлар, амалий ишлар ва муаммоли вазиятларнинг аудио, видео, кўргазмали ва анимацион кўринишини тизимлаштирувчи ҳамда автоматлиштирилган ҳолда уларнинг бажарилишини назорат қилувчи электрон дарсликнинг дастурий таъминоти.



iSpring – флеш-такдимотлар яратиш ҳамда таълим жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган роликлар, турли шаклдаги сўровлар ва электрон тестлар тайёрлаш, шунингдек, уларни ўзаро интерактив боғлаш имкониятини берувчи дастур.

Вазифанинг бажарилиши:

- 1) электрон дарслик билан ишлаш тамойилларини ўрганиш;
- 2) ўқитувчидан машқлар, амалий ишлар ёки муаммоли вазиятлар кўрсатилган топшириқни қабул қилиш;
- 3) топшириқларни қабул қилиб бўлгач, силлабус (ёки ишчи ўқув режа) бўйича мустақил ишни бажариш ва ташкил этиш юзасидан ўқитувчи билан маслаҳатлашиш;
- 4) агарда силлабусда (ёки ишчи ўқув режада) амалий ишлар ёки муаммоли вазиятлар кўрсатилган топшириқнинг ечимини топиш алгоритми кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда уни ишлаб чиқиш (бунда курсантда умумийдан хусусийга ўтиш кўникмаси шаклланган бўлиши, яъни у аудиторияда берилган умумий тушунча ёрдамида мустақил ишда қўйилган муаммонинг хусусий ечимини топа олиши зарур);
- 5) машқлар, амалий ишлар ёки муаммоли вазиятлар кўрсатилган топшириққа тегишли бўлган адабиётлар рўйхати, керакли луғатлар, норматив актлар ва маъруза матнларини жамлаш;
- 6) тўпланган маълумотларни қайта ишлаш (курсантлар натижаларни таҳлил қилиш якунида тор соҳа бўйича билимлари ортиб боришига эришиш зарур);
- 7) машқлар, амалий ишлар ёки муаммоли вазиятлар кўрсатилган топшириқларнинг амалий ечимини топишга киришиш.

Ишдан кутиладиган натижалар:

- курсантларда замонавий ахборот технологиялари ва дастурлардан хизмат фаолиятида самарали фойдаланиш кўникмалари ривожланади;

3) давлат таълим стандартида, хусусан, ишчи ўқув режаларида белгиланган назарий билим, амалий кўникма ва касбий компетенциялар шакллантирилади.


Мустақил ишларнинг айрим турлари ва шакллари намуналари

Мустақил ишларнинг турлари ва шаклларига қўйиладиган талабларга мисол тариқасида Божхона институти профессор-ўқитувчилари томонидан берилган мустақил ишларнинг бир нечта тури таҳлил қилинди.

Бакалавриат босқичида **“Божхона назоратининг техник воситалари”** фанидан бериладиган қуйидаги турдаги мустақил иш муаммоли таълим тамойилига асосланган бўлиб, курсантларда мустақил фиклаш, зийраклик, таҳлил қилиш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган (3-расм).

Ушбу топшириқни тўғри бажариш курсантларда божхона назорати амалиётида учраб турадиган бу каби муаммоли вазиятларнинг ечимини топиш компетенциясини шакллантиради. Бундай ҳолатлар ходимларнинг ўз малакаларини доимий равишда ҳамда мустақил тарзда ошириб боришлариини талаб этади. Юқоридаги топшириқнинг *мақсади* курсантларга техник воситалар билан ишлаш тамойилларига бўйсунмаслик, талабларни тўлиқ ва тўғри бажармаслик божхона назорати самарасининг пасайишига олиб келиши мумкинлигини тушунтиришдан иборат.

Тошкент халқаро аэропортида Тошкент-Москва йўналишидаги рейсга расмийлаштирилган йўловчининг қўл юки божхона назоратидан ўтказилди. Қўл юки кўрик-рентген техникаси орқали ўтказилганда, техника экранида қуйидаги тасвир акс этди:



1-вазифа. Экранда акс этган тасвирни ўрганиб чиқинг.

2-вазифа. Тасвирнинг қайси соҳалари сизда шубҳа туғдирганини кўрсатинг.

3-вазифа. Божхона ходими мазкур тасвир юзасидан юк эгасига қандай саволлар бериши мумкинлигини айтинг.

4-вазифа. Қўл юкидаги барча предметларни аниқлаб, тасвирдаги ранглар бўйича изоҳлаб беринг.

3-расм.

4-расмда **“Божхона назоратининг техник воситалари”** фанидан курсантларнинг маълумотларни визуал тарзда қабул қилиш қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган мустақил иш тури келтирилди. Уни бажаришда визуал маълумотларни ўрганиш ва уларга таянган ҳолда тезкорлик билан хулоса ёки ечимга келиш кўникмалари шакллантирилади. Бу турдаги ишларни кичик гуруҳларда ёки индивидуал тарзда бажариш мумкин.

Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига божхона назорат ўтиш пункти орқали транспорт воситаси кириб келаётганида божхона чегара postiда ўрнатилган портал мониторинг “тревога” сигнали ишлаб кетди. Портал монитордан ўтган транспорт воситасининг юк ҳужжатларида “кафель” қурилиш плиталари юкланганлиги кўрсатилган.



1-вазифа. Портал монитор экрандаги маълумотларни кўриб чиқинг.

2-вазифа. Портал монитор томонидан аниқланган ионлаштирувчи нурланиш манбасига баҳо беринг.

3-вазифа. Манбанинг турига кўра божхона ходими қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириши кераклигини санаб ўтинг ва уларни асослаб беринг.

4-расм.

Топшириқни тўғри бажаришга йўналтириш учун уни бажариш тартибини белгилаб берувчи вазифалар кетма-кетлигини кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу турдаги топшириқлардан кўзланган мақсадга эришиш учун ўқитувчи аввалдан унинг айрим шакллари амалий машғулотларда бериб бориши керак. Шу билан бирга, ҳар бир мустақил иш курсантнинг вақт бюджетига мувофиқ тарзда шакллантирилиши мақсадга мувофиқ. Агар ўқитувчи дарс машғулотларида бу шакл ва кўринишдаги топшириқлардан мавзунини тушунтиришда фойдаланган бўлса, у ҳолда мустақил ишларнинг янги намуналарини ишлаб чиқишда ҳар бир гуруҳ, ҳар бир курсант сарф қилиши мумкин бўлган вақт ҳақидаги тасаввурга эга бўлади.

Божхона постларида ўтказиладиган сайёр дарсларни доимий равишда ташкил этиш мураккаблигини инобатга олган ҳолда, амалиётдаги айрим ҳолатларни мустақил бажариладиган топшириқ тарзида шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бунда курсантларнинг амалиёт ўташлари ҳамда хизмат фаолиятига тез мослашишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

Тасвирларга асосланган муаммоли топшириқларни босқичма-босқич бажарадиган тарзда ҳам шакллантириш мумкин. Бунда ҳар бир босқич учун алоҳида тасвир берилади. Ўқитувчи биринчи босқичда топшириқнинг кириш қисмини ва асосий вазифаларни ёритади.

“Божхона назоратининг техник воситалари” фанидан бериладиган қуйидаги мустақил иш шакли ҳам тасвирдаги маълумотни визуал қабул қилиш қобилиятлари ёрдамида касбий компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган. Унинг биринчи босқичида курсантлар эътиборига кўрик-рентген техникаси ёрдамида олинган тасвир тақдим этилади ва бажариладиган вазифалар кетма-кетлиги белгилаб берилади (5-расм).

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтаётган жисмоний шахснинг қўл юклари божхона назоратидан ўтказилди. Тақдим этилган маълумотларга кўра қўл юкида тақиқланган предметлар мавжуд эмас.

Кўрик-рентген техникаси ёрдамида олинган қуйидаги тасвир божхона ходимлари эътиборини ўзига тортди.



1-вазифа. Тасвирни диққат билан ўрганинг.

2-вазифа. Тасвирда кўринган объектлар бўйича тахминларингизни баён қилинг.

3-вазифа. Предметларнинг асосий кимёвий таркибига қараб, қайси гуруҳга тааллуқли эканлигини айтинг ва фикрингизни асослаб беринг.

5-расм.

Ишнинг кейинги босқичида курсантларнинг изланиши тўғри йўналишда бораётганлигини назорат қилиш учун ўқитувчи муаммонинг ечимига яқинлаштирувчи иккинчи тасвирни тақдим этади (6-расм).



Топшириқ бажариб бўлингач, курсантлар билан муҳокама қилинади ва сўнгги босқичда тўғри жавоб акс эттирилган тасвир намойиш этилади (7-расм). Аммо тўғри жавоб эълон қилингунга қадар курсантлар топшириқнинг ечимини ўқитувчига тақдим этишлари ва ўқитувчи уларни баҳолаши зарур.



7-расм.

Маълумки, божхона органларининг хизмат фаолияти курсантлардан кенг қўламли ва пухта эгалланган назарий билимлар билан бир қаторда амалий кўникма-малакаларни талаб этади. Қуйида **“Божхона назорати”** фанидан бериладиган, олинган назарий билимларни амалий қўллашни талаб этадиган ва амалиёт билан узвий боғлиқ бўлган муаммоли топшириқ келтирилди (8-расм).

Ушбу топшириқ курсантлардан ўз билимларини тизимлаштиришни ҳамда соҳага оид норматив ҳужжатлар билан доимий танишиб боришни талаб қилади. Шунингдек, бу каби топшириқлар курсантларни диққат-эътиборли ҳамда зийрак бўлишга, таҳлил ва синтез методларини пухта эгаллашга ундайди. Амалиётда шунга ўхшаш вазиятларга учраганда тез ва тўғри қарор қабул қилиш лаёқатини шакллантиради.

Мазкур топшириқнинг кўрсаткичларини ўзгартириш орқали (8-расмда тўртбурчакка олинган) ўқитувчи унинг турли вариантларини шакллантириши мумкин. Бу ўз навбатида гуруҳдаги ҳар бир курсантга мустақил ишнинг алоҳида вариантини бериш имконини яратади.

Корея Республикасидан Ўзбекистонга “Довут-ота” чегара божхона пости орқали “Хюндай Инжиниринг” МЧЖ номига олиб келинаётган товар-моддий бойликлар божхона назоратидан ўтказилиш вақтида ушбу товар-моддий бойликлар юкланган автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланишга рухсат этилган ўлчамлардан ортиқча эканлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан автотранспорт воситаси ҳайдовчиси юкка тегишли кузатув ҳужжатлари ҳамда “Ўзавтойўл” томонидан берилган рухсатномани тақдим этди.



Қуйида ҳужжатларда келтирилган маълумотлар кўрсатилган:

1. Ушбу транспорт воситасига ортилган товар “А” тоифадаги йўлдан 1895 км масофага олиб борилиши лозим.

2. Умумий оғирлик: 75000 кг.

3. Ўқларга тушадиган оғирлик қуйидагича тақсимланган:

1 – 5 т; 2 – 5,4 т; 3 – 10,4 т; 4 – 15 т; 5 – 15 т; 6 – 15 т; 7 – 8 т; 8 – 8 т; 9 – 8,2 т.

1-вазифа. Рухсатнома учун йиғим қанча эканлигини аниқланг.

2-вазифа. Ортиқча умумий оғирлик учун йиғим қанчани ташкил этишини ҳисобланг.

3-вазифа. 3-ўққа тушадиган ортиқча оғирлик учун йиғим мавжудми? Агар мавжуд бўлса, у қанчани ташкил этади? Асослаб беринг.

4-вазифа. Ҳужжатларда кўрсатилган ўлчамлар белгиланган ўлчамлардан ортиқча бўлганлиги учун йиғимни ҳисобланг.

8-расм.

9-расмда “Божхона статистикаси” фанидан берилган мустақил ишларга мисол келтирилган бўлиб, унинг муқовасида мустақил иш мавзуси, уни топшириш муддати ва баҳоси каби маълумотлар кўрсатилган.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ	
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ	
БОЖХОНА ИНСТИТУТИ	
“ Божхона тартибга солиниши ва божхона тўловлари “	
кафедраси	
“ Божхона статистикаси” фанидан	
МУСТАҚИЛ ИШИ	
Мавзу: 1-21 вариант ташқи савдо божхона статистикаси электрон база маълумотларининг статистик таҳлиллари	
ТОПШИРДИ:	БИ-517 гуруҳ курсанти Тўхтамуродов Б.
ҚАБУЛ ҚИЛДИ:	3 кафедра катта ўқитувчиси, б/х подполковниги О.Дадабаев 02.11.2019
ТОШКЕНТ - 2019	

9-расм.

Ушбу мавзу фаннинг ишчи ўқув дастури доирасида берилган ҳамда фан бўйича 1-машғулотда эълон қилинган, курсантнинг гуруҳ журналидаги тартиб рақамига мувофиқ тақсимланган ва жадвал кўринишида шакллантирилиб, танишиш учун ҳавола қилинган. Унинг бажариш тартиби ва баҳолаш мезонлари ўқитувчи томонидан тушунтирилган. Курсант мустақил ишни бажаришда тушунтиришларга қатъий риоя қилган.

**1-21 вариант ташқи савдо божхона статистикаси
маълумотларининг умумий кўрсаткичлар бўйича жадвали**

Умумий кўрсаткичлар	Нетто оғирлик, тн	Статистик қиймат, 1000 АҚШ дол
ТСА	8241,65	28720,97
ИМПОРТ	7340,08	25175,92
ЭКСПОРТ	901,58	3545,05
САЛЬДО	-6438,50	-21630,87



БИ-517 гуруҳ курсанти Тўхтамуродов Б.

10-расм.

Юқоридаги ишнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ўқитувчи мустақил ишни баҳолашда тавсия этиладиган мезонларга риоя қилган, яъни маълумотларнинг тўғрилиги, ишга илмий жиҳатдан ёндашилганлиги ҳамда ишнинг эстетик кўринишини инобатга олган.

“Божхонада ахборот технологиялари асослари” фанидан “Иқтисодиётда Microsoft Excel дастуридан фойдаланиш” мавзуси бўйича бериладиган индивидуал равишда бажариладиган мустақил ишларга мисол тариқасида қуйидаги топшириқни келтирамиз.

Масала: Бир завод 4 хил сифатга эга бўлган $M1$, $M2$, $M3$, $M4$ маҳсулотни ишлаб чиқаради. Бу маҳсулотлар 3 турдаги хом ашёдан тайёрланади. Заводга 1 кунда 1-турдаги хом-ашёдан 18 тонна, 2-турдаги хом ашёдан 25 тонна, 3-турдаги хом ашёдан 20 тонна келтирилади ва уларнинг барчаси ишлатилиши лозим. 1 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган хом ашё миқдори 1-жадвалда тонна ҳисобида келтирилган.

1-жадвал

Хом ашё	1 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган хом ашё (тонна)				Хом ашё захираси (тонна)
	$M1$	$M2$	$M3$	$M4$	
1-тур	1,5	1	1	1	18
2-тур	1	2	3	0,5	25
3-тур	1	0,5	1	1,5	20

Вазифа. Бозорда 1 тонна $M1$ маҳсулот 500, 1 тонна $M2$ маҳсулот 300, 1 тонна $M3$ маҳсулот 350, 1 тонна $M4$ маҳсулот 200 АҚШ долларига сотилса, максимал фойда олиш учун $M1$, $M2$, $M3$, $M4$ маҳсулотларни қанча миқдордан ишлаб чиқариш лозимлигини аниқланг.

Вазифанинг ечимини топишда бажариладиган иш алгоритми.

Бу масалани ечиш учун аввало курсант масаланинг математик моделини қуриб олиши зарур бўлади.

$M1, M2, M3, M4$ маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиш миқдорлари мос равишда x_1, x_2, x_3, x_4 номаълумлар билан белгилаб олинади. У ҳолда умумий фойда $f=500x_1+300x_2+350x_3+200x_4$ га тенг бўлади.

Ишлаб чиқариш учун кетадиган хом ашё миқдорлари заводга келтириладиган хом ашё миқдорларига тенг бўлиши лозим. Яъни:

$$\begin{aligned}1,5x_1 + x_2 + x_3 + x_4 &= 18, \\ x_1 + 2x_2 + 3x_3 + 0,5x_4 &= 25, \\ x_1 + 0,5x_2 + x_3 + 1,5x_4 &= 20.\end{aligned}$$

Бундан ташқари, $M1, M2, M3, M4$ маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиш миқдорлари албатта номанфий сонларда акс этиши лозим. Яъни: $x_1 \geq 0, x_2 \geq 0, x_3 \geq 0, x_4 \geq 0$.

Демак, $f=500x_1+300x_2+350x_3+200x_4$ функциянинг максимум қийматини қуйидаги чегаравий шартларни қаноатлантирадиган ҳолда топиш керак бўлади.

$$\begin{aligned}1,5x_1 + x_2 + x_3 + x_4 &= 18, \\ x_1 + 2x_2 + 3x_3 + 0,5x_4 &= 25, \\ x_1 + 0,5x_2 + x_3 + 1,5x_4 &= 20. \\ x_1 \geq 0, x_2 \geq 0, x_3 \geq 0, x_4 \geq 0.\end{aligned}$$


«Excel» ишчи варағининг «A5:A7» майдонига чегаравий шартларнинг чап томонлари, «B5:B7» майдонига чегаравий шартларнинг ўнг томонлари, «E4» катагига мақсад функцияси киритилади (11-расм).

	A	B	C	D	E	F	G	
1	<i>Noma'lumlar</i>							
2	x1	x2	x3	x4				
3								
4	<i>Chegaraviy shartlar</i>		<i>Maqsad funksiyasi:</i>	$=500 \cdot A3 + 300 \cdot B3 + 350 \cdot C3 + 200 \cdot D3$				
5	$=1,5 \cdot A3 + B3 + C3 + D3$	18						
6	$=A3 + 2 \cdot B3 + 3 \cdot C3 + 0,5 \cdot D3$	25						
7	$=A3 + 0,5 \cdot B3 + C3 + 1,5 \cdot D3$	20						

11-расм.


Кейинги босқичда «Сервис» менюсининг «Поиск решения» буйруғи босилади. Очилган «Поиск решения» ойнасининг «Установить целевую ячейку» майдонига мақсад функцияси учун « $E4$ », топиладиган қийматлар учун «Изменяя ячейки» майдонига « $A3:D3$ », чегаравий шартларни киритиш учун «Ограничения» майдонига « $A3:D3 \geq 0$ » ва « $A5:A7 = B5:B7$ » шартлар киритилади. Ушбу шартларни клавиатура орқали киритмасдан, бевосита сичқонча ёрдамида ишчи варақдаги керакли каттак ёки майдонни танлаш ёрдамида киритиш ҳам мумкин.

«Равной» гуруҳининг «максимальному значению» қаторини танлаб, «Выполнить» тугмаси босилади (12-расм).



12-расм.

Агар жавоб топилган бўлса, «Результаты поиска решения» натижа ойнаси қуйидаги кўринишда очилади (13-расм):



13-расм.

«ОК» тугмаси босилади. «Excel» ишчи варағининг «A3:D3» майдонида x_1 , x_2 , x_3 , x_4 ларнинг қийматлари, «E4» майдонида f мақсад функциясининг қиймати ҳосил бўлади (14-расм).

	A	B	C	D	E
1	<i>Noma`lumlar</i>				
2	x_1	x_2	x_3	x_4	
3	3,166666667	0	6,083333333	7,166666667	
4	<i>Chegaraviy shartlar</i>		<i>Maqsad funksiyasi:</i>		5145,83
5	18	18			
6	25	25			
7	20	20			

14-расм.

Демак, 1 кунда $M1$ маҳсулот 3,167 тонна, $M3$ маҳсулот 6,083 тонна, $M4$ маҳсулот 7,167 тонна ишлаб чиқарилиши, $M2$ маҳсулот ишлаб чиқарилмаслиги лозим. Барча маҳсулотлардан 5145,83 доллар фойда келиши мумкин.

Масала ечимидан сўнг эришиладиган натижа: ушбу мавзу бўйича берилган масалаларни ечишда курсантлар Excel дастурининг ячейкалари билан ишлаш, функциялар, формулалар имкониятларини қўллашни ўрганадилар. Бу каби топшириқларни бажариш божхона амалиётида учрайдиган масалалар, муаммоларни оптималлаштиришда бевосита

“Поиск решения” функциясини қўллаш орқали уларнинг ечимини ҳал этиш кўникмаларини ривожлантиради.

Жадвал кўринишидаги мустақил ишларнинг турли вариантларини шакллантиришда топшириқни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ҳамда топшириқни бажариш кетма-кетлигини кўрсатиш зарур. 15-расмда «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» фанидан мустақил бажариладиган топшириққа мисол келтирилган.

Топшириқнинг мақсади – корхоналарда баланс маблағларини таснифлашни ўрганиш.

Топшириқни бажариш учун зарур маълумот:

Наманган вилояти божхона бошқармасининг 2018 йилнинг 1 октябрь санасига баланс моддалари бўйича қолдиқ суммалар қуйидагиларни ташкил этади:

бюджет маблағлари – 230 000 000 сўм;
резерв капитали – 60 000 000 сўм;
махсус фонд маблағлари – 89 600 000 сўм;
қўшилган капитал – 72 000 000 сўм;
ривожлантириш фондидаги маблағлар – 62 000 000 сўм;
тақсимланмаган фойда – 37 000 000 сўм;
банк кредити – 50 000 000 сўм;
жисмоний тарбия жамғармаси фондидаги маблағлар – 32 000 000 сўм.

Топшириқни бажариш тартиби:

1. Берилган маълумотни диққат билан ўрганинг.
2. Маълумот тўғри ёки нотўғрилигини аниқланг.
3. Маълумотнинг нотўғри жиҳатлари бўлса, уларни кўрсатинг ва фикрингизни изоҳланг.
4. Маълумотни тўғрилаш учун бажариладиган амалларни жадвал кўринишида ифодаланг.

15-расм.

Топшириқнинг тўғри бажариш учун курсант унинг ечимини қуйидаги тартибда изоҳлаб беради:

Берилган маълумотда хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда бюджет ташкилотлари учун баланс моддаларидаги қолдиқ суммалар аралаш келтирилган. Маълумотни тўғрилаш учун солиштирма жадвал тузиш керак (2-жадвал).

2-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектлар баланс моддари бўйича қолдиқ маблағлар (сўмда)			Бюджет ташкилотлари учун баланс моддари бўйича қолдиқ маблағлар (сўмда)		
1	резерв капитали	60 000 000	1	бюджет маблағлари	230 000 000
2	қўшилган капитал	72 000 000	2	махсус фонд маблағлари	89 600 000
3	тақсимланмаган фойда	37 000 000	3	ривожлантириш фондидаги маблағлар	62 000 000
4	банк кредити	50 000 000	4	жисмоний тарбия жамғармаси фондидаги маблағлар	32 000 000

Изоҳ:

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўз маблағларини мустақил шакллантирадилар ва уларнинг асосий фаолияти фойда олишга қаратилади.

Наманган вилояти божхона бошқармаси Давлат божхона қўмитасининг таркибида бўлганлиги учун бюджетдан маблағ билан таъминланадиган бюджет ташкилоти ҳисобланади (Асос: Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 4-, 70-моддалари).

Жамоавий мустақил ишларни бажаришда кичик гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси фаол иштирокини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини шаффоф баҳолаш қийинчилик туғдиради. Шунинг учун бундай турдаги мустақил

ишларни курсантларга топширишда ўқитувчилар ундаги аъзолар сонини ва ҳар бир аъзонинг функциясини ажратиб кўрсатиши лозим. Шунингдек, муайян функцияни курсантнинг айнан ўзи бажарганлигини текшириш механизмини фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиши керак.

Қиёсий-таҳлилий маълумотларни мустақил ишлар кўринишида беришда курсант ва тингловчиларга уларни электрон тақдимотлар шаклида тайёрлашни тавсия этиш мумкин. Бунда иш муаллифи тақдимот намоиши давомида ундаги маълумотларни изоҳлаб бериши талаб қилинади. 16-расмда магистратура босқичида ўқитиладиган **“Илмий тадқиқот методологияси”** фани бўйича тингловчи бажарган **“Божхона қонунчилиги ва божхона амалиёти орасидаги тафовутлар”** мавзусидаги мустақил ишнинг слайди келтирилган.

Қонунчиликда	Амалиётда
Божхона кодексининг 247-моддаси: божхона расмийлаштирувини амалга ошириш жойи ва вақти Божхона расмийлаштируви божхона органлари жойлашган ерда ва уларнинг иш вақтида амалга оширилади. Божхона расмийлаштируви декларантнинг ёки бошқа ваколатли шахснинг сўровига кўра ва унинг ҳисобидан бошқа жойларда ҳамда божхона органининг ишдан ташқари вақтида амалга оширилиши мумкин.	ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги 204-сон қарорига кўра: Ходим томонидан товарни белгиланган жойдан ташқарида божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун, битта ходимнинг бир соатлик иши учун (экспорт божхона режими бундан мустасно): ➤ иш вақтида (соат 9.00 – 18.00) – 5 евро; ➤ иш вақтидан ташқари пайтларда (соат 18.00 дан кейин), дам олиш ва байрам кунлари – 10 евро ундирилади. Божхона органлари жойлашмаган божхона омборларида товарлар иш вақтида божхона кўригидан ўтказилса, божхона расмийлаштируви учун йиғим ундирилмайди.

16-расм.

17-расмда “Илмий тадқиқот методологияси” фанидан мустақил тайёрланадиган маълумот учун фабула берилган. Ундан фойдаланган ҳолда магистратура тингловчиларининг ҳар бири ўзининг илмий тадқиқот иши бўйича мустақил иш тайёрлайди. Топшириқнинг бу тури тингловчиларда нафақат илмий тадқиқот олиб бориш, балки таҳлил, умумлаштириш, дедукция, қиёслаш, умумлаштириш каби кўплаб хусусиятларни ривожлантиришга кўмаклашади.



17-расм.

Юқорида келтирилган мисолларнинг барчаси индивидуал равишда бажариладиган мустақил ишлар бўлиб, уларни ишлаб чиқишда кўп вариантларни тузиш имконияти юқори. Шунингдек, бу каби ишларни баҳолаш ҳам бирмунча қулай бўлади.

Кичик гуруҳларда ҳамда жамоавий тарзда бажариладиган мустақил ишларни тузишда бирмунча ўзгача ёндашув талаб қилинади. Бундай

ишларнинг муҳокамасини семинар ёки амалий машғулотларда амалга оширилиши тавсия этилади.

18-расмда “**Ҳарбий ва жанговар тайёргарлик**” фанидан “Терроризм ва фуқаро муҳофазаси” мавзуси бўйича бериладиган жамоавий мустақил ишлардан намуна келтирилган.

Мавзу:

Ўрганиладиган ўқув масалалари:

Давлат органларининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари.

Террорчиликка қарши операцияларни ўтказиш тартиби.

Фуқаролар муҳофазаси йўналишида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар.

Бажариш шартлари:

- курсантлар 4 гуруҳга бўлинадилар;
- ҳар бир гуруҳ 6 ёки 7 нафар курсантдан иборат бўлади;
- ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқлар берилади:

Топшириқлар:

1-гуруҳ

Терроризмнинг усуллари ва йўларини ўрганиб чиқиб, божхона ходимлари томонидан ушбу йўналишда амалга ошириладиган ишларни таҳлил қилинг ҳамда ифодаланг.

2-гуруҳ

Қўпоровчилик ҳаракатлари амалга оширилаётган вақтда фуқаролар ўзини сақлашда қандай чораларни амалга оширишлари кераклигини кўрсатиб беринг.

3-гуруҳ

Террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зоналарни белгилаб беринг.

4-гуруҳ

Терроризм таҳдидини зарарсизлантириш ва тугатиш учун жалб этиладиган тузилмалар ва уларнинг ҳаракатларини тегишли қонун ҳужжатларни таҳлил қилган ҳолда кўрсатиб беринг.

18-расм.

Индивидуал мустақил ишлар каби, жамоавий мустақил иш турлари ҳам белгиланган алгоритм асосида бажарилади. Шу билан бирга, алгоритми кўрсатилмайдиган топшириқлардан кейс топшириқлари шаклида берилган мустақил ишларнинг самараси юқори эканлиги исботланган. 19-расмда **“Божхона экспертизаси”** фанидан кейс топшириқ намунаси келтирилган.

Топшириқнинг кириш қисмида ўқитувчи томонидан тушунтириш берилган ва у топшириқнинг мақсадини белгилаб беради (19-расмда доирага олинган). Кириш қисмидан сўнг бевосита топшириқнинг ўзи келтирилган (19-расмда тўртбурчакка олинган).

Ушбу кейсни бажариш учун маълумотни жадвал кўринишида тақдим этиш керак, аммо намуна кўрсатилмаганлиги сабабли курсант уни мустақил равишда бажаришига тўғри келади.

Шунингдек, жамоавий мустақил ишлар турларига берилган мавзу бўйича видеолавҳа яратиш билан боғлиқ ишлар ҳам киради. Бундай топшириқлар замонавий таълим методларидан ҳисобланиб, курсантларда ўқув мотивациясини кучайтиради. Аммо бундай мустақил ишларни бажаришда курсантларда зарур медиатеҳника воситаларининг ва улар билан ишлаш учун қулай шарт-шароитлар мавжудлигини инобатга олиш, агар мавжуд бўлмаса, уларни яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда мустақил ишларни бажаришда белгиланган ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилишини назорат қилиш зарур.

20-расмда **“Божхона экспертизаси”** фанидан видеолавҳа кўринишидаги мустақил ишларни ташкил қилиш тартиби келтирилган.

Бундай шаклдаги мустақил ишларнинг бажарилиши барча курсантларнинг фаол иштироки ҳамда ахборот-коммуникация теҳнологиялари билан ишлаш ва касбий компетенцияларни шакллантиришга қаратилган.

Мустақил ишни бажариш шартлари:

- академик гуруҳ 4 та кичик гуруҳга бўлинади;
- ҳар бир мустақил иш бир кичик гуруҳ томонидан бажарилади;
- мустақил ишни бажариш жараёни видеога олиб борилади;
- якуний видеолавҳа тайёр бўлгач, ўқитувчи белгилаб берган тарзда тақдим этилади.

Мустақил иш топшириқлари:

1-гуруҳ

Озиқ-овқат маҳсулотларидан намуна олиш ва уларни таҳлил қилиш.

2-гуруҳ

Гўшт-сут маҳсулотларидан намуна олиш ва таҳлил қилиш.

3-гуруҳ

Ўсимлик мойларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш.

4-гуруҳ

Алкоголли ва алкогольсиз ичимликларнинг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

20-расм.

Шунингдек, суратга олинган видеолавҳалар ёрдамида ўқитувчилар намунавий видеодарслар тайёрлаб, кафедранинг видеодарслар базасини кенгайтириб боришлари мумкин. Мустақил ишларни видеолавҳалар кўринишида тақдим этиш курсантларда ўз фаолиятини баҳолаш, назорат қилиш, бошқариш ва коррекциялаш кўникмаларини ривожлантиришга кўмаклашади.

Мустақил ишларни баҳолаш

Мустақил таълим жараёнида бериладиган мустақил иш шакллари турлича бўлганидек, уларни баҳолашда тизими ёки тамойили ҳам ҳар бир иш тури учун ўзига хос бўлади. Олий таълимда рейтинг тизимидан баҳолаш тизимига ўтиш жараёнида мустақил ишларни баҳолаш борасида турлича қарашлар вужудга келди. Фикримизча, фан ўқитувчиси авваламбор мустақил таълим жараёнида бажариладиган ишлар ва

вазифаларнинг баҳолаш тартибини аниқ ва тушунарли тарзда белгилаб олиши керак.

ДБКнинг 2018 йил 1 декабрдаги 677-сон буйруғи билан тасдиқланган “Божхона институти курсантлари (тингловчилари) билимини назорат қилиш ва баҳолаш тўғрисида”ги Низомнинг 13-бандида кўрсатилганидек: “... амалий, семинар, лаборатория машғулоти ва мустақил таълим топшириқлари бўйича натижалар оралиқ назоратда инобатга олинади”. Бироқ, юқорида кўрсатиб ўтилганлардан келиб чиққан ҳолда, мустақил таълимнинг аҳамиятини, мустақил ишларни бажаришнинг курсант ва тингловчиларда касбий компетенцияларни ривожлантиришдаги ўрнини ҳисобга олиб, ўқув семестрининг якуний баҳосида мустақил таълимнинг ҳам ҳиссасини акс эттириш мустақил таълимнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади, деб ҳисоблаймиз. Шу боис ҳар бир фан бўйича семестр баҳосини ифодалашда қуйидаги формулани қўллашни тавсия этамиз:

$$R_{\text{семестр}} = \frac{R_{\text{ОН}} + R_{\text{ЯН}} + R_{\text{МТ}}}{3}$$

Бунда ОН – оралиқ назоратларнинг ўртача баҳоси, ЯН – якуний назорат баҳоси, МТ – мустақил таълим доирасида бажарилган ишларнинг ўртача баҳоси.

Юқорида айтиб ўтилган Низомнинг 43-бандида курсант ва тингловчининг фан бўйича ўзлаштиришини баҳолашда тавсия қилинадиган намунавий мезонлар келтирилган. Ушбу мезонлардан келиб чиқиб, ҳар бир профессор-ўқитувчи ўзи ўқитадиган фандан белгилаган мустақил ишларнинг ҳар бир тури бўйича баҳолаш мезонлари ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Уларни белгилашда мустақил ишларнинг мураккаблик даражаси, уларни ўз муддатида бажариш талаблари, ишнинг шакли каби жиҳатлар ҳисобга олиниши лозим (3-жадвал).

Т/р	Мустақил иш мавзуси	Ишнинг мураккаблик даражаси	Бажаришга бериладиган муддат	Бажариш шакли	Баҳолаш мезонлари			
					“5”	“4”	“3”	“4”

Мустақил ишни баҳолаш мезонлари курсант ва тингловчиларга ўқув семестри бошида, мустақил ишлар мавзулари билан бирга эълон қилиниши зарур.

Мустақил таълимнинг самарадорлигини оширувчи омиллар

Мустақил таълимни ташкил этиш ўқитувчи ҳамда курсантларнинг ҳаракатларини комплекс равишда мувофиқлаштиришни талаб этади. Шунингдек, уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришда ўқув жараёнининг самарадорлигини оширувчи психофизиологик, ташкилий ва илмий-амалий омиллар инобатга олиниши зарур.

Электрон воситалар билан таъминланганлик.

Бугунги кунда интернет тармоғисиз ва электрон таълим воситаларисиз таълимни ва айниқса мустақил таълим жараёнини тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис мустақил ишларни бажаришда имкон қадар кенг қамровли материаллар билан ишлаш учун ҳар бир курсант ва тингловчида компьютер воситаси бўлиши мақсадга мувофиқ. Мустақил таълим соатларида курсант ва тингловчиларга Wi-Fi тармоғи, институт Ахборот-ресурс маркази фонди, махсус жиҳозланган ўқув хоналаридан унумли фойдаланиш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилиши зарур.

Мотивацияни ошириш.

Факультет раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилар томонидан курсант ва тингловчиларга мустақил таълимнинг билимларни эгаллаш, касбий кўникма ва малакаларни ҳосил қилишдаги аҳамияти, мустақил таълимдаги фаоллик фикрлаш жараёнлари, хотирани кучайтириши тўғрисида тушунча шакллантирилиши лозим. Ўқув машғулотлари вақти чегараланганлиги туфайли зарур материални тўлиқ тақдим қилиш мушкуллиги бугунги мавжуд ахборот оқимидан имкон қадар самаралироқ фойдаланишни тақозо қилади. Шу боис профессор-ўқитувчилар курсант ва тингловчиларда мунтазам равишда мустақил таълим олиш ва ўз устида ишлаш учун эҳтиёж бўлишига кўмаклашишлари керак.

Узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш.

Ўқув материали билан ишлашда узилишлар бўлиши уни ўзлаштиришга салбий таъсир кўрсатади, аввалги ўзлаштирилган материал билан мантикий алоқага путур етказди, бу эса таълим самарасини пасайтиради. Шу боис ўқув курсини ўзлаштиришда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, курсант ва тингловчиларга ўқув материали билан мунтазам равишда ишлашга имконият яратиб бериш зарур.

Педагогик бошқарув.

Курсантларнинг талаб ва таклифларига биноан мустақил таълим соатларига институт раҳбарияти томонидан ўзгартиришлар киритиб борилиши мақсадга мувофиқ. Юқорида кўрсатиб ўтилган, курсант ва тингловчиларнинг мустақил таълимини тўғри ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича тавсиялар мустақил таълим жараёнини бошқаришга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Case-study” услуби: Назария, амалиёт ва тажриба. – Т.: Тафаккур қаноти, 2012. – 132 б.
2. Агибова И.М., Куликова Т.А. Самостоятельная работа студентов в вузе: виды, формы, классификации // Вестник Ставропольского ГУ. – 2010, №71. – С. 221-227.
3. Асилова Г.А. Божхона институтида курсант ва тингловчиларнинг мустақил таълимини такомиллаштириш йўналишлари // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. – 2019, №2.
4. Асилова Г.А., Дилшодбеков Т.Д. Использование электронного учебника по русскому языку в самостоятельной подготовке курсантов высших военных образовательных учреждений // Проблемы современного образования. – 2019, №6.
5. Балашова Е.Д. Дистанционное обучение как средство педагогического взаимодействия в процессе профессиональной подготовки работников таможенных органов: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Ярославль, 2009. – 23 с.
6. Белецкий Э.И. Педагогические аспекты формирования социально-психологической компетентности работников таможенной службы: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Москва, 2001. – 28 с.
7. “Божхона институти курсантлари (тингловчилари) билимини назорат қилиш ва баҳолаш тўғрисида”ги Низом (ДБКнинг 2018 йил 1 декабрдаги 677-сон буйруғига илова).
8. Голикова Л.В. Формирование профессиональной иноязычной коммуникативной компетентности студентов неязыкового вуза на основе проектной технологии обучения: Дис. ... канд. пед. наук. – С.-Петербург: Санкт-Петербургский гос. политех. ун-т, 2005. – 22 с.

9. Горячева М.А. Совершенствование профессионального общения сотрудников таможенных органов с участниками внешнеэкономической деятельности: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. – Тверь, 2003. – 24 с.
10. Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтида мустақил таълимни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби. – Т., 2019.
11. Дильбарханова Ж.Р. Некоторые аспекты совершенствования подготовки кадров для органов внутренних дел // Академическая мысль. 2017. №1. <https://cyberleninka.ru/article/n/nekotorye-aspekty-sovershenstvovaniya-podgotovki-kadrov-dlya-organov-vnutrennih-del>.
12. Доможирова М.А. Деловая игра в обучении профессионально-ориентированному общению на иностранном языке студентов неязыковых вузов: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – С.-Петербург, 2002. – 18 с.
13. Загашев И.О., Заир-Бек С.И. Критическое мышление: технологии развития. – СПб, 2003.
14. Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида / ЎЗР Қонуни ЎРҚ-576 (ҚҲММБ, 30.10.2019 й., 03/19/576/3970-сон).
15. Пидкасистый П.И., Фридман Л.М., Гарунов М.Г. Психолого-дидактический справочник преподавателя высшей школы. – М.: Педагогическое общество России, 1999. – 354 с.
16. Портных В. О воспитании самостоятельности студентов // Высшее образование в России. – 2006. – №7. – С.155-157.
17. Росина Н. Организация СРС в контексте инновационного образования // Высшее образование в России. – 2006. – №7. – С.109-114.
18. Рубаник А., Большаков Г., Тельных Н. Самостоятельная работа студентов // Высшее образование в России. – 2005. – №6. – С.120-124.
19. Самостоятельная познавательная деятельность студента: методическое пособие / Сост. Е.В. Гребенникова. – М., 2002.

20. Самостоятельная работа студентов: виды, формы, критерии оценки: Учебно-методическое пособие / Под общ. ред. Т.И. Гречухиной, А.В. Меренкова. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2016. – 80 с.

21. Самостоятельная работа студентов: методические указания. – Саранск: Изд-во Мордовского университета, 2009. – 35 с.

22. Самостоятельная работа студентов: учебно-методическое пособие / О.В. Уваровская, И.Ю. Краева. Сыктывкар: Изд-во СыктГУ, 2009.

23. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (ҚХММБ, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон).

24. Қулмаматов С.И. Мустақил таълимни ташкил этишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси: Пед. фан. ном. ... дис. – Гулистон: ГулДУ, 2008.

25. Қўйсинов О.А. Касб таълими йўналиши бакалавр ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. ном. ... дис. автореферати. – ТДПУ, 2008. – 22 б.

26. Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари: Пед. фан. доктори ... дис. автореферати. – ТДПУ, 2019. – 70 б.

27. Meyer B., Haywood N., Sachdev D., Faraday S. What is independent learning and what are the benefits for students? // London: Department for Children, Schools and Families Research Report 051, 2008.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Мустақил таълим тушунчаси. Мустақил таълимнинг мақсади ва вазифалари	4
Мустақил таълимни ташкил этиш тамойиллари	10
Мустақил ишларнинг турлари ва шакллари	12
Ўқув жараёнига тайёргарлик кўриш мақсадида бажариладиган мустақил ишлар	15
Индивидуал ва жамоавий бажариладиган мустақил ишлар	17
Реферат ёзиш	21
Эссе ёзиш	22
Маъруза тайёрлаш	23
Глоссарий тузиш	25
Лойиҳа тайёрлаш	25
Кейс-вазифаларни бажариш	27
Маълумот тайёрлаш	28
Инфографика тузиш	30
Мультимедиа тақдимути яратиш	32
Умумлаштирувчи жадвал тузиш	35
Граф-схема тузиш	36
Дарсдан ташқари тадбир услубий ишланмасини яратиш	37
Курс иши ёзиш	40
Касбий ўйинлар ўтказиш	41
Электрон дарслик воситасида бажариладиган мустақил ишлар	42
Мустақил ишларнинг айрим турлари ва шакллари намуналари	45
Мустақил ишларни баҳолаш	66
Мустақил таълимнинг самарадорлигини оширувчи омиллар	68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	70

**Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтида
мустақил таълимни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
УСЛУБИЙ ТАВСИЯНОМА**

Тузувчилар:

Г.А. Асилова, Т.Д. Дилшодбеков

Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти

2019 йил

